

ТАРИХ ВА ШАХС

ЗАМИРА ИСХОҚОВА

ШАҲ НАЖМУДДИН  
ҚУБРО



ТОШКЕНТ  
«О'ЗБЕКISTON»  
2013

63.3 (59)4-938.70рехи

УЎК: 94(575)(092)кубро

КБК 86.38 - *История*  
И 84

Лойиха муаллифи ва масъул мухаррир:  
тарих фанлари доктори  
*Қахрамон Ражабов*

Такризчи:  
филология фанлари доктори, профессор

Нажмиддин Комилов

NO 42325  
191

2014/14

A

1416

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-01-950-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013



## ШАЙХИ КАБИР

Тасаввуфнинг машхур тариқатларидан бири бўлган кубровийлик Хоразм заминиде вужудга келди. Унинг асосчиси – миллат ва диннинг порлоқ кўлдуси, ўз замонасининг кутби дея улуғланган буюк ватанпарвар, хивалик шайх Нажмиддин Кубродир.

Буюк тариқат пешвоси, “офок ва анфус” назарияси асосчиси шайх Нажмиддин Кубронинг бой маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш орқали тарихимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизнинг нақадар мумтоз ва улуғворлиги, у зотнинг ҳаёти ўзлигини англаб етган инсон учун ибрат ва сабоқ эканлигини ҳис этамиз. Шайх-



нинг сўзлари қалбларга файз ва шукух олиб кирган, “ўлган қалб”лар тирилган, ҳар бир гўша, ҳар бир кўнгилга илоҳий қалом кириб борган. Зеро, инсоннинг яшашдан мақсади моддий бойликлардан иборат эмас, балки маърифат ва руҳий бойлик ҳам лозим. Чунки маънавий қашшоқ халқнинг давлати қанчалик бой бўлмасин, залолатга маҳкумдир.

Жамиятда ахлоқий-руҳий камолотни шакллантирувчи воситалардан бири тасаввуф йўли бўлса, аждодлар меросини ўрганиш миллатимиз келажаги учун кўйилажак пойдевордир. Пайғамбаримизнинг *“Илми Чинда бўлса ҳам изланг”, “Бешикдан то қабргача илм изланг”* ҳадисларини ҳаётининг мазмунига айлантирган Нажмиддин Кубро диний-тасаввуфий билимлар билан чекланиб қолмасдан, замонасининг барча илмларини сидқидилдан ўзлаштириш йўлида ҳар қандай машаққатни енгди. Қалом ва ҳадис илмининг етук билимдони, ориф ва валий зот сифатида танилди. Наж-



миддин Кубронинг илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарлари мавжуд<sup>1</sup>.

Нажмиддин Кубро бутун умр инсон поклиги, илоҳий маърифат учун курашди, дунёвийлик билан илоҳийликни уйғунлаштирди, мардлик ва маънавий юксалишдан сабоқ берди. Шу боис Нажмиддин Кубро мероси қадрланиб, авлодлар эъзози, хурмат-эътиборига

---

<sup>1</sup> Шайх Нажмиддин Кубро “Шарх ус-суннати вал-масолиҳ” (“Суннат ва шодликка арзигудек нарсалар”), “Рисолатун фис-сулук” (“Сулук хақида рисола”), “Рисолат ут-турук” (“Худогга эришиш йўллари хақида рисола”), “Таволиъ ут-танвир” (“Ёғду манбалари”), “Фавойих ул-жамол ва фавотих ул-жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалол кашфи”), “Ал-усули ал-ашара” (“Тасаввуфнинг ўн асоси”), “Рисола илал ҳоим ил-хоиф мин лавмати ил-лоим” (“Маломат қилувчининг маломатидан қўрқувчи ошиқ рисоласи”), “Хидоят ут-толибийн” (“Илм ўрганувчиларга тўғри йўл кўрсатиш”), “Одоб ул-муридийн” (“Муридлар одоби”), “Сакинат ус-солиҳийн” (“Солиҳларнинг сокинлиги, ороми”), “Минҳож ус-соликийн” (“Солиқларнинг ёруғ ва равшан йўли”), “Истилох ус-сўфиййа” (“Тасаввуф истилоҳлари”), “Тафсир ул-Қуръон” (12 жиддик “Қуръон тафсири”), “Одоб ус-сулук” (“Сулук одоби хақида”), “Айн ул-хаёт” (“Хаёт булоғи”), “Рисолайи Нажмиддин Кубро” каби асарлар муаллифидир.



сазovor бўлди. Шайх Нажмиддин Кубро халқимизни иймон, халоллик ва виждон билан иш кўришида, баркамол авлодни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий ибрат намунаси бўлиб қолди.

## ИРФОН ОСМОННИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗИ

Кўхна Хоразм азалдан илму ирфон бешиги, фан ва маданият, маънавият ва маърифат маркази бўлган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Хоразм заминида бундай инсонлар кўп ўтганки, уларнинг табаррук номларини, бебаҳо мероси ва маънавият хазинасига қўшган хиссасини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, уларни кенг оммага таништириш, уларнинг маънавий қудратимиз рамзи ва донишмандлик тимсоли эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Ана шундай сиймолардан



бири – Шайх Нажмиддин Кубродир. Шайх (кекса, оксокол) тариқатда валоятнинг юқори даражасига эришган валийларга нисбатан қўлланиладиган унвондир.

Нажмиддин Кубро тафаккурий билим билан кароматни уйғунлаштирган, тасаввуфдаги ирфон фалсафаси ривожига салмоқли таъсир кўрсатган, *“замонасидаги авлиё ва муршидларнинг комили, юксак мақомларга, зотий сифатий тажаллийларга эришган, шунингдек, малакут оламида кўриш, жабарут оламида учуш, лоҳут оламида тавҳид ва ҳақойиқларга эришган, қалб дунёсида гарқ бўлган эди”*<sup>1</sup>.

Шайхнинг тўлиқ номи Аҳмад ибн Умар Абулжанноб Нажмиддин Кубро Хевакий Хоразмийдир. Шайх “Кубро”, “Томмат ул-Кубро”, “Нажмиддин”, “Абулжанноб”, “Валийтарош”

---

<sup>1</sup> *Аҳмад Кашмирий*. Нажмиддин Кубро олтин ҳалқасининг мухтасар тафсилоти. Шажарайн табақоти машойих. ЎзР ФАШИ инв. № 1426. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний таржимаси. / Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. –Т.: “Ёзувчи”, 1995. 76-бет.



сифатлари билан улуғланган. Шайх Кубро беҳад зийраклиги ва юксак ақлзаковати туфайли ҳар қандай муаммоли масалаларни осонлик билан ҳал қилиб берган, ҳамда у зот билан баҳс ва мунозара қилинса, ҳамиша ҳақ бўлиб чиққан. Шунинг учун исмига “Кубро” номини қўшиш билан бирга у зотни буюк бало-ю, қазонинг олдини олувчи, ҳалоскор, яъни “Томмат ул-кубро” деб ҳам аташган.

Форс-тожик шоири, ўз даврининг мутасаввиф алломаси Абдурахмон Жомий (ваф. 1492 й.) “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” (“Муқаддас даргоҳдан эсувчи дўстлик шабадалари”) асарига эҳтиром билан қайд этишича, Нажмиддин Кубро ёшлигидан илму ҳикматга қизиққан, юксак иқтидор соҳиби бўлган. Шайх ислом асослари, шариат илмларини ўзлаштиргач, Хоразмда дин илмлари бўйича тенгсиз аллома бўлиб етишган. “Томмат ул-кубро”, яъни уламоларнинг етуғи, улуғвори ва “илм балоси” деган юксак унвонга сазовор бўлган.





Шайх “валийтарош” (“валийларни парваришлаб етказувчи”) деб улуғланишининг боиси Нажмиддин Кубронинг назари шу қадар ўткир бўлганки, қалбида илхом-важд жўш урган пайтда кимга назари тушса, валийлик мартабасини топар, илоҳий сирлар кашшофига айланар экан.

“Нажмиддин” – “диннинг юлдузи” деган маънони берса, “Абулжанноб” Нажмиддин Кубронинг кунияти ҳисобланиб, “дунёдан парҳез қилган тақводорнинг отаси” деган маънода қўлланилган, яъни шайх *“тақво ва тавба посбони”* деб улуғланган. Ривоят қилинишича, Нажмиддин Кубро Искандария шаҳрида ҳадис илмини ўрганиб қайтаётиб, бир кеча Мухаммад (с.а.в.)ни тушида кўради ва у зотдан “Менга куният баришланг” деб сўрайди. Ҳазрати Пайғамбар Нажмиддинга: *“Сенинг куниятинг Абулжанноб – дунёдан парҳез этувчи бўлади”*, деб марҳамат қиладилар. Бу башоратдан сўнг Нажмиддин тасаввуфга юзланади...

Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, сўфийлик тариқати ва фаолиятига оид маълумотлар Дорошукухнинг “Сафинат ул-авлиё”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Риёз ул-орифин”, Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Мавлавий Фулом Сарвар Соҳиб Лоҳурийнинг “Хазинат ул-асфиё”, Ҳожи Халифанинг “Тухфат ул-фуқаро”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот ул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг “Тарихи гузида”, Султон Ҳусайн ибн Султон Мансур ибн Бойқаронинг “Мажолис ул-ушшок”, Мавлоно Минхожиддиннинг “Табақоти Носирий” асарларида келтирилган. Шунингдек, Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, кароматлари, қахрамонликлари ҳақида халқ орасида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд бўлиб, маноқибларда шайхнинг таржимаи холи билан бирга у зотнинг кароматлари ҳам баён қилинган.

Рус шарқшунос олими Е.Э.Бертельс Нажмиддин Кубронинг таржи-

ман холини илк бор тадқиқ этиб, шайхни “ўз даврининг ёрқин шахсларидан бири” деб таърифлаган. Айрим тарихий шахслар ва саналардаги чалкашликларни изоҳлаб, 25 та рубоий ва “*Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси*” манокибини эълон қилган<sup>1</sup>.

## КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

Тасаввуф – комиллик йўли, миллий, маънавий мерос, умуминсоний қадрият ҳамдир. Тасаввуф инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи фалсафий таълимотлар билан узвий боғланган. Тасаввуф инсоннинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни, ҳалоллик, меҳнат, виждон, иймон каби хислатларни фалсафий таҳлил этишнинг ўзига хос йўли бўлса, Нажмиддин Кубро янги йўналишга асос солган буюк мутафаккир алломадир.

---

<sup>1</sup> *Бертельс Е.Э.* Суфизм и суфийская литература. – М.: “Наука”, 1965. С. 324–334.



Ахмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хевакий ал-Хоразмий 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келган. Отаси ўз даврининг зиёли кишиларидан бўлган. Илмга чанқоқ Нажмиддин Кубро мадрасани тугатгач, ўн олти ёшларида билимини ошириш мақсадида Эрон, Миср, Шом ва Ироқ мамлакатларида бўлиб, ҳадис ва фикх илми билимдонлари суҳбатида бўлган. Номдор олимнинг овозасини эшитиши билан йўлга тушиб, ундан сидкидилдан сабоқ олган. Устоздан кўнгли тўлмаган ҳолларда, ундан ижозат олиб, яна йўлга тушган.

Шайхнинг шогирди, Хуросон тасаввуф мактаби намояндаси Рукниддин Алоуддавланинг зикр этишича, Нажмиддин Кубро Ҳамадон шаҳрида машҳур муҳаддисдан ҳадис илмини ўрганаётган пайтда, Искандария шаҳрида *“олий санадлар билан ҳадис билладиган”* муҳаддис борлигини эшитиб, Ҳамадондаги устозидан рухсат олиб, зудлик билан Искандарияга жўнайди ҳамда бир ой ичида илмини пухталаб,

устоз алломадан “ижозат хати” олиб ортига қайтади.

Нажмиддин Кубро Бағдод, Табриз, Нишопур, Тус, Дизфул шаҳарларида ўз даврининг мутакаллим ва алломаларидан шарият илми, ҳадис ва тафсирини чуқур ўзлаштириб, донишманд мутафаккир бўлиб етишади. Лекин эгаллаган илмларидан коникмасдан, қалбида кечаётган руҳий изтироб ва ғалаённи англашга ҳаракат қилади. Табризда Нажмиддин Кубро ҳаётида кескин бурилиш содир бўлади. Нажмиддин Кубро Абу Мансур Ҳафдах хузурида ҳадис илмидан сабоқ оларди. Бир куни мадрасага дарвеш кириб келади. Унга кўзи тушиши билан Нажмиддин Кубро қалбида яна ғалаён кўзғалади. Сабоқдошларидан дарвешнинг кимлигини сўрайди. Шу кеча бетоқат ва беқарор бўлиб, ухламай чиқади ва эрта тонгда хонадошини уйғотиб, Бобо Фаражнинг олдига боришга кўндиради ва биргалашиб хонақоҳга йўл оладилар. Хизматкор уларни кутиб олади ва бу

ҳақда пирига хабар беради. Бобо Фараж: *“Аллоҳ даргоҳидан келгандай кирсалар, майли, кирсинлар”* дейди. Нажмиддин Кубро важд холида ўйлаб ўтирмасдан, Бобо Фаражнинг айтгани бўйича кийимларини ечиб, унинг ҳузурига киради. Бобо Фараж бирор соатлардан кейин ўзига келиб, ўрнидан туради ва Нажмиддин Куброни кўриб, тўнини ечиб унинг устига ёпади. Бу тўн Нажмиддин учун муборак тухфа эдики, шу ондан бошлаб, унинг қалби ёришиб, *“Ҳақдан ўзга барча нарса юрагидан сидирилиб ташлангандай бўлади”*. Кейинчалик бу мулоқотни хотирлаган шайх Кубро шундай ёзган эди: *“Бобо Фаражнинг олдига кирганимда бир оз вақт ўтгандан кейин унда ажиб ўзгариш юз бериб, йиртиқ тўнининг ёриқларидан нур тарала бошлади”*.

Бобо Фараж Нажмиддин Кубро билан суҳбат қуриб, унинг ақлу заковати такомилга етганини англайди ва дафтари китобларни йиғиштириб, мутолаани тўхтатишни ва тасаввуф билан шуғулланиш лозимлигини уқтиради.

Хонақоҳдан чиққанидан сўнг Нажмиддин Кубронинг кўнглидан “Шарх ус-сунна”дан бир неча варақ қолди, уни тугатиб кўяман” деган фикрлар ўтади. Устози Абу Мансур ҳам аввал сабоқни тугатишини айтади. Нажмиддин устозининг маслаҳати билан сабоқни давом эттиради. Шу пайт мадрасага Бобо Фараж кириб келиб: *“Ҳозиргина “илм ул-яқин”дан минг фарсаҳ узоқлашган эдинг, энди яна илм қошига келдингми?”*, – деб маълумат қилади ва танбех беради.

Бобо Фаражнинг каромати таъсирида сабоқ олишни йиғиштириб, астойдил тасаввуфга берилади, риёзат ва хилват билан машғул бўлади. Шу тарика қалбида нодир илохий туйғулар пайдо бўлади. Ладуний илмдан завққа тўлган Нажмиддин Кубро бу хайратангиз ҳолатларни ёзиш учун ўтирганида унинг олдига Бобо Фараж келиб, кўнглини барча ташвишлардан холи қилиб, хотиржамлик билан ботиний ибодат билан шуғулланишни тайинлайди.

Бобо Фараж шарият илмини чуқур билган ва камолотнинг ҳақиқат даражасидаги пир бўлиб, Нажмиддин Кубронинг бошқалар ёзган китоблардаги билимларни бир четга суриб, ўзи илоҳий билимлар китобига, ижодкорига айланишини, унинг зоҳирий-ақлий билим билан чекланиб қолмасдан, ботиний-важдий билимларни эгаллашга рағбатини оширган.

Шайх Кубро ботиний оламини янада равшанлаштириш учун пири муршид кидиришга тушади. Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарида Нажмиддин Кубронинг “*донишманд киши бўлгани ва ҳеч кимга бўйин эзмагани*” сабабли ўзига муносиб пири муршид топишга қийналганлигини айтган. Бу ҳақда шайхнинг ўзи шундай ёзган:

*Жаҳон ичра манго йўл кўрсатурга  
бир ҳабибим йўқ,  
Агар бўлса ҳабиб, ондин манинг  
зарра насибим йўқ<sup>1</sup>.*

Шарият илмларини ўрганиш баробарида Нажмиддин Кубро тариқатдан

---

<sup>1</sup> Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси. 12-бет.



хабардор бўлишга интилиб, қатор шайхлар, дарвешлар суҳбатидан баҳраманд бўлади. Чунки шайхнинг маънавий камолот илми, ғайб асрори, каромат ва кашфу ҳол илми бўлган тасаввуфга иштиёқи баланд эди. Унинг устозлари Шайх Рўзбеҳон Мисрий (ваф. 1189 й.), Шайх Аммор Ёсир (ваф. 1187 й.) ва Шайх Исмоил Қасрий (ваф. 1193 й.) ҳам унинг бу интилишини англаганлар ва зимдан қўллаб-қувватлаганлар. Бироқ тасаввуфда риёзат чекмай, ваздий ҳолатлар сирини кашф этмасдан мақсадга эришиб бўлмаслигини эътиборга олсак, улар Нажмиддин Кубродаги зоҳирий билимларга махлиёлик кайфияти ва фикрларини бартараф этиб, хилват ўтириш, мууроқабга берилиш, зикру самоъга катнашиш орқали янгича рухий-ҳиссий ҳолатлар билан яшашга, янгича ҳаёт тарзини қабул қилишга ўргатадилар.

Шайхлар тарбиясини олгандан кейин Нажмиддин энди оламга бошқача қарайдиган, илҳом-истеъдодли чашмадори кўзи очилган, басират назари қувват

2- Замира Иса

2014/19 А* 1416	Ansher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-----------------------	---

топган орифга айланади. Унинг камолот мартабаси кўтарилади ва фақат китоблардаги билимларни такрорлайдиган олимлар тоифасидан қутулиб, эркин-озод мушоҳада этадиган, ўзи илоҳий ҳикмат айта оладиган ва исломнинг ботиний моҳиятини теран идрок этиб, ваҳдат ва тавҳидни бутун вужуди билан, тафаккурий идроки билан хис этиб, бу билимларни бошқаларга етказа оладиган буюк маърифатпарвар шайх мартабасига эришади.

Нажмиддин Кубро Мисрда Шайх Рўзбехон Мисрийга мурид тушиб, тариқат одобини ўрганган. Рўзбехон Мисрий Нажмиддин Куброни ўз ўғлидек яхши кўриб, алоҳида меҳр билан тарбия қилган ва қизини никоҳлаб бериб, ўзига куёв қилиб олган эди. *“Шайх Нажмиддин Куброни шаҳид қилиб, шаҳри Хоразмни хароб қилгонинг баёни”* қиссасида Нажмиддиннинг пир излаши ва сулук машаққатлари тафсилотлар билан бойитилган. Чунончи, қиссадаги ривоятга кўра, Нажмиддин Кубро Хоразмдан йўлга чиқиб, турли

мамлакатларда бўлади, кўп шайхлар билан суҳбатлашади. Аммо кўнглига ёккан пирни тополмайди. Охири ноумидлик кайфиятида Бағдодга етиб келади. Бу ерда у Шайх Иброҳим хонақоҳида сулукни давом эттиради, етти йил муттасил Шайх хизматида бўлиб, бир фарзанддай унга боғланиб қолади. Бир кун Шайх Иброҳим таҳорат олмокчи бўлганда Нажмиддин офтобада сув келтиради ва шайх оёқларини юваётганда сув қуйиб туради. Шайхнинг мухаббати жўшиб, Нажмиддинга таҳорат килинган сувдан олиб ичишни буюради. Нажмиддин сувдан олиб ичгандан кейин ботиний маърифат ва илоҳий илҳом насибасига эришади. Бир неча кун ўтгандан кейин Шайх Иброҳим таҳорат олаётганда, Нажмиддин яна хизматда бўлиб, Шайх Иброҳим таҳоратнинг бир қондаси – “дафъи васвасани” ташлаб кетганини кузатади ва кўнглидан “Шайх мустаҳабни ташлаб кетди” деган фикр ўтади. Шайх Иброҳим басират кўзи билан Нажмиддин холидан

огох бўлиб, уни койиган ва Бистом шаҳрига, Шайх Исмоил хузурига адаб ўрганиш учун жўнатган экан.

Нажмиддин Кубро Ҳамадон шаҳрида Шайх Аммор Ёсир хузурига бориб, унинг хизматида бўлади. Аммор Ёсир унинг такаббурлиги ва ақлидаги ноқисликни бартараф этиш учун Шайх Исмоил Қасрий тарбиясига юборади.

Нажмиддин Кубро Шайх Исмоил Қасрийнинг таҳоратнинг бир коидасини унутиб бажармагани учун унга шубҳа билан қарайдики, унинг назарида шарият коидалари, расм-русумларига қатъий амал қилишлик шарт, риёзат чекиб, ботиний майлга берилиш соғлом ақлга зид эди.

Бир кеча унинг кўнглидан *“Эй Нажмиддин, ботин илмидан хабар топдинг, зоҳирий илминг шайхникидан зиёддир”* деган фикр кечади. Шайх Исмоил Нажмиддиннинг кўнглида кечган фикрдан воқиф бўлиб, уни дўсти Шайх Аммор Ёсир олдига юбориб, танбеҳ бермокчи бўлади. Нажмиддин Кубро буни англаган холда, қаршилиқ

билдирмай сафарга отланади. Шайх Аммор хузурига бориб, сулукни давом эттиради. Лекин ўз илмига бино қўйиш, такаббурлик, шайх илмини менсимаслик хаёли бу ерда ҳам кўнглидан ўтади.

Нажмиддин Кубро *“Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол”* (“Жамол хушбўйликлари ва жалол кашфи”) асарида Шайх Амморнинг рухсати билан узлатга чекиниб, бир ўзи танҳо Аллоҳ ёдида зикр тушириш, қалбни дунёвий талаб-андишалардан поклаш учун хилват (чилла ўтириш – З.И.) га киришни ният қилгани, аммо хаёлида: *“Зоҳирий илмларни пухта эгаллаганман, агар гайбий илмлар эшиги очилса, бу илми минбарларга олиб чиқиб, Ҳақ толибларига етказаман”* деган ният пайдо бўлгани, ана шу фикр билан хилватга киргач, бирор натижага эришолмай, қайтиб чиққани, Шайх Аммор унинг бу аҳволидан воқиф бўлиб *“Аввал ниятингни тuzат, кейин хилватга кир”* деб насихат қилганини ёзган. Пирининг сўзидан таъсирланган Нажмиддиннинг қалбига

нур порлаб киргандай бўлади ва бор бисотини фақирларга таркатади. Эғнида бир жубба (пўстин) колгач, катъий азму қарор билан дейди: *“Бу хилватхона менинг қабрим, бу жубба менинг кафаним ва менинг бошқа борадиган маконим йўқ”*. Шайх унга *“Ниятинг бутун бўлди, энди хилватга киришинг мумкин”* деб хилватга ижозат беради. Нажмиддин Кубро бу ҳақда ёзади: *“Шундан кейин хилватга кирганимда ажойибот содир бўлди – ҳол мартабаси итмоми (ниҳояси)га эришдим. Шайх баракати ва ҳамияти туфайли менга маърифат футуҳоти эшиклари очилди”*.

Нажмиддин Куброга устозлик қилган уч пири комил – Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийлар қалб саховати билан бирга мурид тарбиясида каттикқўл бўлиш, ботиний кўз билан муриднинг хаёллари, руҳиятини уқиб олиш ва рухий таъсир ўтқазишга қобилиятли илми хол эгалари бўлганлар. Шайх Аммор Ёсир *“ноқисларни такмил этиш ва*

муридларни тарбиялашда, уларнинг тушлари ва фикрларини таъбир этишда, иккиланишларни бартараф этишда шухрат қозонган” бўлса, Шайх Рўзбеҳон Мисрий “аксар вақт истиғроқ мақомида бўлиб”, важд ва илҳом ичида юрар, илохий маърифатдан завқи тошиб, бу ҳолатни муридларга юктирарди. Шайх Исмоил Қасрий рақсу самоъ, имо-ишоралар йўли билан мурид қалбини ром этиб, ботинини поклаш ва шу орқали илоҳиётга чексиз муҳаббатни сингдиришда машхур бўлган. Ҳар учала шайх ҳам тариқатни шариатдан ташқари тасаввур қилмаганлар, аксинча, *шариатни тариқатнинг зоҳири, тариқатни шариатнинг ботини* деб билганлар.

Нажмиддин Кубро маърифат илмидан тўла баҳраманд бўлгач, камолот мартабаси ошиб, валоят даражасига кўтарилади. Шайх Исмоил унга “иродат хирқаси”ни кийдириб, Хоразмга кайтишни ва у ерда тариқатни жорий этишни буюради. Нажмиддин Кубро яна бир марта Шайх

Рӯзбеҳоннинг имтихонидан ўтади. Шайх унинг тариқат одобининг нозик жиҳатларигача ўзлаштирганига қаноат ҳосил қилади ва Хоразм халқини иршод этиш учун ватанига юборади.

## **“ОЛТИН ТАРИҚАТ” АСОСЧИСИ**

Хоразмда мўътазилий мазҳаби ривож топгани учун, Нажмиддин Кубро аввал ҳажга боришни, кейин тариқатни ёйишни режа қилади. Бир неча муддат Халабда яшаб, 1185 йилда оиласи билан Хоразмга келади. Бу вақтда шайх қирк ёшларда бўлиб, Нажмиддин Кубро йигирма беш йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишлаган, оғир ва машаққатли етуклик ва комиллик йўлини босиб ўтган эди. Нажмиддин Кубро олий мақсад манзилига етган, бошқалар қалбини дину диёнат, шариат ва тариқат, маърифат ва ҳақиқат чашмаларидан қондиришга қодир муршиди комил, қалби ва руҳониятида Жайҳун дарёси каби муаззам кенглик файзи ка-



мол топган, кўнгилларга илоҳий нур таратувчи “маърифат ва ҳақиқат уммони” га айланган эди.

Хоразм аҳли Шайх Нажмиддин Куброни ихлос билан қабул қилиб, унинг тариқатига эътиқод қўяди. Нажмиддин Кубро Хоразмда катта хонакоҳ курдириб, тариқатда янги бир йўналиш – “Ат-тариқат уз-заҳабия” (“Олтин тариқат”) номи билан машҳур бўлган кубровийлик силсиласини асослайди.

Тариқатнинг бош мақсади кишилар қалбидан нафси аммора (ёмонликка ундовчи нафс) эҳтиросларини сиқиб чиқариш, рухий-маънавий камолотга даъват этиш, кўнгилга мардлик, поклик, сидку сафо ғояларини сингдириш, илоҳий маърифат нуридан баҳраманд этиш бўлган. Шайх Нажмиддин Кубронинг кўли остида турли табақа ва тоифага мансуб юзлаб муридлар тарбияланиб, ислом маърифати ва ирфон илмидан баҳра олганлар. Нажмиддин Кубро шогирдларини эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этган.

Нажмиддин Кубро табиатида до-нишмандлик, мантик ва мажзублик уйғунлашиб кетганки, унинг сўфиёна амаллари ва карашларида ҳам хилма-хил томонлар кўзга ташланади. Хонақоҳда хилватнишинлик ва чилла ўтириш ҳам, ботиний-хафий зикр, кизгин баҳс-мунозара ҳам, самоъ мажлислари ҳам бўлиб турган, Кубро мурид тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг қайси мазҳаб ва оқимдан бўлишидан қатъий назар, маънавий юксалиши ҳамда тариқат илмини чуқур эгаллаши учун илохий файз орқали таъсир кўрсатган.

Нажмиддин Кубро хамиша бир ҳолатда бўлмаган, баъзан бирдан жўшиб, ўзга кайфиятга кириб, вужуди балқиб кетган. Баъзан ҳазин ва ўйчан, ғоят камгап бўлиб қолган бўлса, баъзан хушчақчақ ва очиқ чехра билан суҳбатга берилган. Ғоят нозик дид ва ўткир сўзлар билан муридлар қалбига оловли чўғ ташлаб, турли ишоралар, ҳаракатлар, рухий кароматлар орқали атрофдагиларни хайратга сол-

ган. Шайх бағоят зукко, салобатли, хайбатли киши бўлган. Кечалари аксар бедор ўтириб, ибодат қилган. Сурункали рўза тутишни одат қилиб, илхомли дамларда хонақоҳ ховлисини кезиб, хушнуд сайр этган. Ўз нафси билан ҳисоб-китоб қилишни энг яхши ҳисоб-китоб деб ҳисоблаган.

Шайх Нажмиддин Кубро асос солган тариқатнинг ўзига хос жиҳатлари унинг дунёқарашида ҳам, амалий ишларида ҳам кўзга ташланади. Нажмиддин Кубро Муҳаммад (с.а.в.)нинг *“Ўлмасдан бурун ўлингиз”* ҳадисининг моҳиятини тариқат йўлининг ихтиёрийлиги ва кўнгиллилиги билан боғлайди. *“Табиий равишда ўлиб, руҳни бадандан тарк эттириш, ўлим ва ҳаёт яратилиш ибтидосидан то сўнгги нафасгача инсонда яширинган, инсон Ҳақ муродини ўз мақсади бўйича ихтиёр этиши керак, зеро, ўлим ҳақиқий ҳаётнинг натижасидир”*<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Шайх Нажмиддин Кубро. Шарҳи рисолайи одоб уз-зокирийн. 21-бет.

Нажмиддин Кубро “Кўнглим кўзи билан кўрганларим” асарида шундай ёзади: “Дунёнинг бир қисмини кезиб, барча нарсаларнинг аччиқ-чучугини татиб кўрдим. Китобларни текшириб чиқиб, олимлар хизматида бўлдим. Дунё истаб умримни бекорга ўтказдим. Кўп ажойиб нарсаларни кўздан кечириб олдимки, энг тез ўтиб, энг тез завол топадиган нарса умр ва дунё экан. Ҳеч бир нарсани ўлим ва охираддан яқинроқ, ҳеч бир нарсани умид-истакдан узоқроқ ва ҳеч бир нарсани таъанний (оғирлик ва матонат – З.И.) яхшироқ кўрмадим”.

Нажмиддин Кубро нафснинг покизалиги фақат пайғамбарларга ва кўнгилнинг тириклиги авлиёларга хос эканлиги, ҳар қанча қидирилса ҳам, тинчлик ва роҳат дунёдан воз кечиш ва уни тарк этишдан бошқа нарсада эмаслиги, Оллоҳ билан унсу-улфатда бўлиш фақат одамлардан узилиб, гўшада ўтириш, шайтонга қарши кураш инсоннинг ўз нафсига қаршилиқ ва унга душманлик билдириш йўли билан амалга ошишини эътироф этган.

Нажмиддин Кубро ақл ва нафс-ни бир-бирига қиёслаб, ақл билан нафсни икки азалий душманларга ўхшатади, яъни уларнинг ҳар бири ўз кўлида яланғоч қилич тутиб, иккинчисини ўлдиришга шайланиб, бир лаҳза ҳам бир-биридан кўз узмайди. Қай бирини ғафлат босса, ўша заҳоти марлубиятга учрайди. Ўз нафсига золим бўлган киши унинг шарри, ёмонлигидан қутулиб, хийла ва макрлардан четда қолади. Буюк Аллоҳ шундай марҳамат қилган: *“Ва минҳум золимунли нафсиҳи”* (“Улардан баъзилари нафсига зулм қилгандир”)<sup>1</sup>.

Нажмиддин Кубро тарикат аҳлининг заиф кишилар олдида тоат-ибодатни безаб кўрсатиши, ўз ишига катта баҳо бериб, риё ва мунофиқлик қилиши, халқ томонидан кўрсатилган ихлосни ёқтириб, кўлини ўптириши, ўзининг табаррук саналиши ва зиёрат қилишларини хуш кўриши, одамлар

---

<sup>1</sup> *Қуръони карим*. Фотир сураси, 32-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: “Чўлпон”, 1992. 400-бет.

олқишини исташи, самоъ мажлисла-  
рида хозир бўлиб, хорикулодда одат  
(фавқулодда ходисалар кўрсатишга  
интилиши), сунъий суратда (хўжа  
кўрсин учун) рўза тутиб, оз овқат-  
ланишни кўрсатиши, ёлғондан йиғ-  
лаши, лаблар билан тамшаниб, кўз  
билан ишора қилиши, қалб хузурисиз  
Аллоҳга ёлвориши, ямалган либослар  
кийиши, тушлар кўриб ўтмиш ва ке-  
лажак ҳақида ҳукм юргизиши, ожиз  
кишиларни кўриш билан тоат-ибодатда  
муболаға қилиши, аммо хилватда  
(ёлғиз қолганда) ибодатда дангасалик  
қилиши, мажлисларда тўрға ўтиб, са-  
моъ мажлисларида хаддан ошишини  
танқид қилган.

Шайх Нажмиддин Кубронинг ху-  
зурига Эрон, Ўрта Осиё, Миср, Кав-  
каз, Шом, Ироқнинг турли ҳудудлари  
муридлар келиб, тарбия топганлар.  
Шайх маърифатидан баҳраманд бўлиб,  
унинг суҳбатидан иштирок этганлар.

Маноқибларда ёзилишича, мўғул-  
лар истилоси арафасида шайхнинг  
тўрт юздан ортиқ муридлари бўлиб,

улар орасида номлари тарихда қолган, ўзлари ҳам катта шайх даражасига кўтарилган шайх Маждиддин Бағдодий (ваф. 1219 й.), шайх Саъдиддин Ҳамавий (ваф. 1252 й.), шайх Сайфиддин Бохарзий (ваф. 1261 й.), шайх Айн уз-замон Жамолиддин Гейли (ваф. 1259 й.), шайх Бобо Камол Жандий (ваф. 1219 й.), шайх Нажмиддин Розий Доя (ваф. 1256 й.), шайх Розиддин Али Лоло (ваф. 1244 й.), шайх Жамолиддин Аҳмад Журфоний (ваф. 1269 й.) кабилар бўлган. Шайх Нуриддин Абдурахмон Исфароиний (ваф. 1317 й.), Абулмакорим Рукниддин Алоуддавла (ваф. 1336 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад Биёбоний (ваф. 1326 й.) ҳам бевосита бўлмаса ҳам, нисба бўйича Нажмиддин Кубронинг муридларидир. Уларнинг ҳар бири тасаввуф тарихида ўз мавқеига эга бўлган кубровийлик тариқатининг давомчилари ҳисобланадилар. Кубровийлик Шарк мамлакатларига тарқалиб, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларининг тарқалишига ёрдам берди.

## ТАРИҚАТЛАР СИЛСИЛАСИ

Шайх Нажмиддин Кубро шахид бўлгач, унинг ишларини халифалари давом эттирганлар. Бу жараён XVIII аср охиригача давом этган. Шундан кейин кубровийликнинг таъсир доираси камайган.

Ҳозирги кунда Оврўпа мамлакатлари ва бошқа давлатларда кубровийлик тариқатига эътиқод қилаётган, ушбу таълимотни ўрганаётган, тарғиб қилаётган кўплаб гуруҳ ва илмий ташкилотлар бор. Жумладан, Англия, Франция, Германия, Голландия, Австралия, Россия, АҚШ ва Покистон каби мамлакатларда Эронда фаолият кўрсатаётган кубровийлик тариқатининг бир тармоғи ҳисобланган неъматуллоҳия тариқатини ўрганувчи хонакоҳлар мавжуд.

Тариқат – комил ахлоқ йўли бўлиб, тариқат аҳли ҳамиша Ҳақ ёдида бўлиб, каттаю кичикдан ўзини паст тутиб, халқ хизматида камарбаста бўлишган. Кишиларнинг хатти-ҳаракатида нук-



сон кўрсалар, юмшоқлик ва муло-  
йимлик билан айбларини айтганлар.  
Хеч бир нарсаларини бошқалардан  
қизғанмаганлар, аксинча, уларнинг  
қайғу ва хурсандчиликларига шерик  
бўлганлар. Тариқатлар тасаввуф ғоя-  
ларининг кенг тарқалишида катта  
аҳамият касб этган. Тариқатлар бир-  
бирдан мазҳаби, шариатга муноса-  
бати, халқларнинг маънавий-маданий  
даражаси, урф-одатлари, пирларининг  
тарбия усули, вазифаларига кўра фарк-  
ланган ва ўз даври ижтимоий-сиёсий,  
маданий-маърифий, илмий-фалсафий  
ва маънавий тараққиётга катта таъсир  
кўрсатган. Ҳар бир тариқат вужудга ке-  
лишидан бошлаб халққа камолот йўли  
ҳақида таълим берган. Тариқат асосини  
инсон маънавий камолоти (нафс тар-  
бияси, қалб тарбияси, руҳият тарбияси,  
ботиний тарбия)га оид билимлар таш-  
кил этган.

Кубровийлик тариқатидан ажралиб  
чиққан кичик тариқат ёки шохобчалар  
қуйидагилардир:

1. Фирдавсия тариқати шайх Нажмиддин Кубронинг халифаси “шайх ул-олам” номи билан машхур бўлган шайх Сайфиддин Бохарзийдан бошланиб, унинг нуфузли шогирдларидан бири Бадриддин Фирдавсий (ваф. 1300 й.) номи билан боғлиқдир. Ушбу тариқат Ҳиндистоннинг Деҳли ва Бихар вилоятларида кенг тарқалган.

2. Нурия тариқати асосчиси Нуриддин Абдурахмон Исфароиний (ваф. 1317 й.) бўлиб, кубровийликнинг Бағдоддаги шохобчасидир.

3. Рукния тариқати кубровийликнинг Хуросондаги шохобчаси бўлиб, тариқат асосчиси Рукниддин ибн Абулмакорим Аҳмад Алоуддавла Симноний (ваф. 1336 й.) номи билан аталади. Алоуддавла Симноний Хуросон тасаввуф оламида буюк мутасаввиф ва валий зот деб улуғланган.

4. Ҳамадония тариқати Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида кенг тарқалган. Рукния тариқатидан ажралиб чиққан ушбу шохобча Саййид Али Шаҳобиддин Ҳамадоний (ваф. 1385 й.)

номи билан боғлиқ бўлиб, хинд диёрида ислом динининг кенг ёйилишида катта хизмат қилган.

5. Иғтишошия тариқати асосчиси Исҳоқ Хутталоний (ваф. 1423 й.) бўлиб, Хуросонда тарқалган.

6. Нурбахшия тариқати Исҳоқ Хутталонийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Нурбахш (ваф. 1464 й.) номи билан боғлиқдир.

7. Неъматуллоҳия тариқати асосчиси Саййид Неъматуллоҳ Валий (ваф. 1431 й.) бўлиб, Эронда кенг тарқалган. Саййид Неъматуллоҳ тасаввуфга доир 544 та рисола ёзган, шундан 110 га яқини бизгача етиб келган.

Кубровийлик тариқатининг шохобчалари турлича бўлса ҳам, асл мақсад ва маслаклари бирдир. Уларнинг йўналишлари шайх Нажмиддин Кубро томонидан асосланган ўн қоидага таянади. Сўфий олти марҳалани (босқич) босиб ўтиши лозим. Булар зикр (Аллоҳни ёдга олиш ва унинг исмларини айтиш), фикр (тафаккур қилиш), мухосаба (ўз-ўзини сарҳисоб

қилиш), мууроқаба (мушохада қилиш), вирд (ибодат) бўлиб, шундан сўнг сўфий Аллоҳ билан бирлашади, яъни илоҳий бирликка эришади.

## **“АЛ-УСУЛ АЛ-АШАРА” – КАМОЛОТНИНГ ЁН ҚОИДАСИ**

Шайх Нажмиддин Кубро мурид тарбиялашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиққан. Унда ён талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш, покланиш ва маърифатга эришиш йўллари кўрсатилган. Шайх “Рисолат-турук” (“Тариқатлар рисоласи”) ва “Ал-усул ал-ашара” (“Тасаввуфнинг ён асоси”) асарларида сўфийлар тарбиясида тавба, зухд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, мууроқаба, ризонинг ахамиятини эътироф этган: *“Иродали кишилар ён асрдан ташқарига чиқмаслар, чунки бу ён асл бошқача вужуд бўлиб, иродали шахслар бундай камолотли вужудга эришадилар. Мабодо бирор киши “Аллоҳнинг муқаддас сирлари-*

дан воқиф шайхларнинг йўли нега мутиндек мустаҳкам бўлади-ю, бошқа кўпроқ ва озроқ минглаб мақомларга эга бўлган кишилар бу ўн аслга етиб кела олмайдилар?”, деб сўраса, буни жавоби шуки, “машойихлар қўллаган иродали ўлиш йўли бошқалардан фарқ қилиб, унда барча мақомдаги ҳолатлар ўша ўн аслда ўз ифодасини топган”.

Куйида ҳар бир усулнинг шарҳига тўхталамиз.

**Тавба.** Йўлнинг аввали тавба – “бобул-абвоб”, яъни эшикларнинг эшиги бўлган. Тавбанинг маъноси Аллоҳнинг розилигига хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва феъдан қайтишдир. Ҳадисда “Гуноҳдан тавба қилувчи гуноҳ қилмаган киши кабидир”<sup>1</sup> дейилганки, тавба дил софлиги билан Аллоҳга қайтишдир. Тавба чин дилдан пушаймонлик, тилдаги узр ва ёмонлик-

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Таржимонлар ва арабча матни нашрга тайёрловчилар: Ҳамидулла Ҳикматуллаев, Абдулазиз Мансуров. Маҳсус муҳаррир: Ҳусниддин Нурмуҳаммад. – Т.: “Фан”, 1990. 70-бет.

лардан узилиш, инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаш воситасидир. Тавба улкан ахлоқий қуролдирки, тавба туфайли яхшиликка юз бурилади.

Тавбанинг моҳияти кишининг ўз нуқсонларини кўра билиши, ҳолини англаши, ёмон ишлардан қайтишида намоён бўлган. Қўрқув тавбаси, яъни гуноҳларга иқрор бўлиш – оддий кишиларга хос бўлса, сўфийлар тавбаси “қалб истижоби” (покланиш) ҳисобланган. Усмон Мағрибий (ваф. 983 й.) итининг вафодорлигини кўриб таъсирланган бўлса, балхлик Иброҳим Адҳам (ваф. 783 й.) хотифдан келган нидодан огоҳликка юзланган. Бишри Хофий (ваф. 841 й.) ерда ётган қоғоз парчасидаги “*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*” ёзувини қўлига олиб, уни ўпиб, сақлаган ва тушида Ҳақ каломини эшитгач, тавбаи насух (қайта гуноҳ қилмасликка азм ва жазм қилиш, нимайки Аллоҳнинг розилигига хилоф бўлса, дарҳол ундан қайтиш, вафлат, бефармонлик билан ўтган ва беҳуда зое бўлган вақтларга доимо пушаймон

бўлиш) қилиб, Аллохга юзланган<sup>1</sup>. Шайх Аттор дарвешнинг “Валлох” деб, жонини Ҳакка таслим қилганидан бутун холи ўзгариб, Аллох йўлига кирган экан.

Тавба барча амалларнинг боши бўлиб, унинг биринчи коидаси асл тавбадир. Агар ўлим Аллох таолога иродасиз равишда ружу қилиш бўлса, тавба Ҳак таолога ирода билан юзланишдир. Тавба Худо томон юз тутган барча кишиларнинг ҳар қандай гуноҳларидан фориғ бўлишидир. Гуноҳ шундай нарсаки, у дунёвий ёки илоҳий босқичларидан ташкил топганига қарамай, Аллохдан йироклаштирадиган амалдир. Худога яқинлашишни истовчи ҳар бир киши унинг ўзидан ҳар қандай ёқимли ва матлуб нарсалардан воз кечиши ва хатто ўз вужудини ҳам тарк этиши лозим бўлади.

Тавба йўлига кирган инсон нажот фақат Аллохдан эканини англаб, бутун

---

<sup>1</sup> *Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. 26-бет.*

фаолияти, ахлоқини шунга мослайди. Демак, тавбада қалбнинг уйғониши, огоҳлик, ғафлатни тарк этиш ва эзгуликка юзланиш, хуллас, инсоннинг ёмон ишлар, сифатлардан воз кечиб, яхши ишлар ва феъл-атворга қайтиши ходисаси юз беради.

**Зухд.** Таркидунёчилик, такво, пархезкорлик, дунёга илтифот қилмасдан, тоат-ибодат билан кун кечириш, Аллохга маъқул нарсаларни севиш, Аллох таъқиқларидан воз кечиш зухд бўлиб, унинг моҳияти дунё ва охирагга рағбат қўйишдан воз кечишдир. Расулуллох (с.а.в.) дейдилар: *“охират аҳллари учун дунё ҳаромдир, дунё аҳллари учун эса охираг ҳаромдир. Уларнинг ундан насибалари йўқдир. Аллох аҳллари учун дунё ва охираг ҳаром бўлиб, улар зикр этилганлардан лаззат ҳам, баҳра ҳам олмайдилар”*.

Пархезкорлар иймон нури билан охираг жамолини мушоҳада қилувчи, дунёни қабих деб билувчи, унинг барча лаззатлари ва зийнатларидан воз кечувчи кишилардир. Уларнинг шиори



шундай: “Бу дунёда зуҳду такво эгаси бўл ва ҳеч кишидан бирон нарса тамаъ қилмаки, барча халқ сенга муҳтож бўлсин. Шундагина сен дунё ва охират подшоси бўласан”.

Агар инсон гуноҳлар қаъридан юкорига кўтарилиб, залолатлардан қутулиб чиқиш йўлини топа олса, занглаган ҳаво табиий ойна юзидан арчиб ташланади. Ана шундагина, дунё ҳақиқатининг эмас, балки дунё ва охиратнинг бутун борлиғи унга очилади. Демак, бир нарсага рағбат ва хирс кўйишдан воз кечиб, Ҳақ томонга юзланиш даркор.

Зуҳд рағбатдан воз кечиш бўлиб, икки қисмдан иборатдир. Биринчиси, ички лаззат, шароб ичиш, никоҳий ишларга ружу қўйиш, мансаб ва олий мартабаларни қўмсаш каби, илоҳий роҳатларга ўхшаш ҳис-туйғулардан воз кечишдир. Йиллар давомида хайрли ишлар билан банд бўлиб, ер ишлари билан шуғулланиш ва шунга ўхшаш бошқа фаолият таъсирида дунёвий нарсалардан кўра, охиратга кўпроқ

тамойил ва рағбат кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки дунё фоний бўлиб, охират эса боқийдир. Иккинчиси, Аллоҳ олдида дунё ва охиратнинг нуқсонли эканлиги мулоҳазасидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар иккисига ҳам рағбат қўйишдан воз кечишдир. Зухд ҳақиқатга мувофиқ шундайки, унинг биринчи қисми ўз зотига кўра, сакланиб қолган ҳиссий рағбатга асослангандир.

Рағбатдан воз кечиш, вужудни бутунлай бартараф қилиш зухд ҳақиқатидан иборат эмас. Зеро, бир жинсдан келиб чиқадиган рағбат ўрнига ундан афзалроқ бошқаси пайдо бўлади. Ушбу такомиллашган рағбат Ҳақ рағбати билан қўшилмайди. Худога интилувчилар ночор бўладиларки, уларнинг рағбати дунё ишларидан узилгач, охиратдан ҳам ажралиб қолади ва Аллоҳнинг Ўзидан бошқа ҳеч нима уларга ором бахш эта олмайди.

**Таваккул.** Ҳар бир ишда Аллоҳга суяниш, ўз ожизлигини Аллоҳга билдириш таваккулдандир. Таваккул қилган

инсон ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суянади. Ризқ Аллоҳдан экани, инсон тақдирини Аллоҳ белгилаши ва кишиларнинг амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши кераклигини англайди. Чунки яхшилик ва ёмонлик, тўқлик ва очлик, бойлик ва камбағаллик ҳам Аллоҳдандир.

Аллоҳ инсонни тоат-ибодатга чорлайди, инсонга бандалигини эслатиб туради. Аммо инсон буюк зарурият ичрадир. Унинг фаолияти, ижоди ва қудрати шу илохий заруриятдан ташқарига чиқиб кетолмайди. Инсон буни англаши лозимки, барча мавжудот каби у ҳам фонийдир, абадий эмас. Абадий фақат Аллоҳнинг ўзи, агар инсон абадиятни хоҳласа, Аллоҳ сари интилиши, поклик оламига қараб, камолот касб этиши лозим.

Таваккул ҳар бир ишда Аллоҳнинг қудрати ва улуғворлигини кўришдир. Шундай пайтдагина нафс хоҳлаган ва унга тааллуқли нарсалар бўлмаса ҳам изтироб чекилмайди. Мақсадга эришиш маҳалида таваккул биринчи даражали

аҳамият касб этади. Чунки, Аллоҳга ишонч ҳосил бўлиб, барча захираларни унга топширилган бўлса ҳам, нафсни бирор иш билан машғул этиб туриш мақсадида оз-моз ризқ сўраш талаб этилади. Зероки, агар нафсни машғул қилинмаса, у дилни номатлуб нарсага банд қилиб қўйиши мумкин. Негаки, нарсанинг одати шундаки, агар уни бирор нарса билан машғул этилмаса, у шахсни машғул этиб қўяди. Бундай ризқ талабида бошқаларнинг манфаатини ҳам мулоҳаза қилиш керак.

Азалдан феъл, яъни ишнинг яхши ёки ёмонини танлаш ихтиёри инсоннинг ўзига берилган. Ўша ихтиёри феълда таваккул қилган инсон, айттайлик, илм ўрганишга таваккул қилса ва маълум касб-ҳунарни эгаллашга астойдил киришса, унга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлади. Билмаган нарсаларини билади. Таваккул инсондан, мақсадга етказмоқ эса Аллоҳдандир. Таваккул ва ҳаракат бирлашса кўзланган мақсад ҳосил бўлади. Аслида касб инсонни ризқлантирмайди, у

факат ҳаракат қилгани ва интилгани учун ризқланаётгани йўқ, ризқ Аллоҳ таоло тарафидан келишини унутмаслик лозим.

Таваккулнинг даражалари бўлиб, биринчиси, шикоятни тарк этиш, иккинчиси, розилик ва учинчиси – мухаббатдир. Шикоятни тарк этиш сабр даражаси бўлса, розилик Аллоҳ таксим қилган ризқ билан қалбнинг сокин бўлишидир. Мухаббат – Аллоҳ ўзига нисбатан қилган тадбири туфайли Уни яхши кўришдир. Таваккулнинг фазилатлари: иймонни камолга етказди, шайтондан муҳофаза қилади, ёмон одамлардан асрайди, ҳаромдан сақлайди, тамаъ қилишдан тияди, хотиржамлик ва барқарорлик бахш этади. Аллоҳга итоат ва ризоликни қучайтиради, қийинчиликлардан халос этади, ёмонликларга кафóрат бўлади, ризқни кенг қилади.

**Қаноат.** Нафснинг истагига қарши бориш, барча истаклардан воз кечиб, ейиш, ичишда қаноат қилиш. Қаноат инсоннинг кўнглига равшан-

лик ва ёруғлик келтирувчи неъматдир. Қаноат нафс, ҳайвоний шаҳват ва лаззатлардан воз кечиш, лекин у даражада эмаски, одамнинг мавжудлиги усиз бўлмайди. Демак, ейиш-ичишда, кийинишда ва бирор жойда муқим туришда зарурий ҳаддан ошиб кетмаслик керак. Одатда озига ва бориға кўнган, бори билан кифояланган, нафсини тийган, чидамли, сабрли, ўша ҳолатда ҳам мамнуният ва қониқиш билан рози бўлган кишилар қаноатли дейилади.

Қаноат туфайли хокисор инсон юксакликка эришади. Дўст-душманга мухтожликдан халос бўлади. Шохгадолик ташвиши, қарамлик, нафсининг ғалвасидан қутулади. Қаноат туганмас хазинадирки, ундаги бойлик сочилгани билан камаймайди, бир оби чашмадирки, олган билан қайнаб чиқаверади.

Инсон эҳтиёжи даражаси билан қаноатланиб, тежамли ҳаёт кечириши, фақирликни фахр билиб, бу дунёга фоний кўзи билан, охиратга боқий дунё кўзи билан қараши лозимки, Қуръонда

“Аллоҳ улардан (чин мўъминлардан) рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Бу эса буюк саодатдир”<sup>1</sup> дейилган. Бунинг ҳақиқати Аллоҳ илм ва фахм берган зот – инсон Аллоҳ ҳукмига рози бўлиб, ҳар қандай му-сибату балога сабр-қаноат қилиши ва Муҳаммад (с.а.в.) йўлини тутишида мужассамдир.

Қаноат йўлини тутган инсон ҳар қандай баланд мартаба ва мав-кега кўтарилганда ҳам камтарлик ва хокисорликка содиқ қолиб, пар-хезкорликдан чекинмайди ва инсофни куч, кучни инсоф деб билади, жони бор махлуқотларнинг ҳеч бирига озор бермасликка, қаҳрга меҳр-муҳаббат билан, жоҳилликка маърифат билан, нафсга сабр ва қаноат билан муноса-батда бўлади.

Ўз меҳнати билан қаноатда кун кечириш ҳар қандай кулликдаги шо-хона ҳаётдан афзал бўлиб, қаноат ҳимматнинг пойдевори ҳисобланади.

<sup>1</sup> Куръони карим маъноларининг таржимаси. Моид сураси, 119-оят. 127-бет.

Қаноатсизлик, нафс қулига айланиш жамиятда ахлоқий нуқсонларнинг кўпайишига замин яратиб, иқтисодий қийинчилик ва сиёсий низолар туфайли халқ пароканда бўлишига олиб келади. Инсон фаришта билан ҳайвон орасида турувчи махлуқ экан, унда рух ва жисм кураши муқаррар бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва рух талабларини кўпайтириш билан қўлга киритилади.

**Узлат.** Инсоннинг руҳи, агар у покланишига мойил бўлса, табиий равишда яққаланиш ва гўшанишинликни талаб қиладиган ҳолат бўлиб, инсон руҳи “тажрид” (ажралиш) ва “тафрид” (ёлғизланиш) босқичларини босиб ўтмас экан, бус-бутун покланолмайди. Узлат турли ёмон иш ҳамда ёмон одамлардан узоқлашиш, беҳуда машғулотлар ўрнига тоат-ибодат билан машғул бўлиш, ўзи халқ билан бўлсада, қалби Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиши, жамоат ичида бўлса ҳам фикру зикрни Аллоҳдан узмасликдир.



“Тафрид” инсоннинг дунёга тегишли нарсаларни бутунлай кўнгилдан чиқариб ташлашидир. Инсон умри ўткинчи бўлгани учун ҳам азиз умрни кераксиз нарсаларга сарфлаш, дунёга хирс қўйиш оқиллар иши эмас. “Тажрид” инсонга рухий хотиржамлик бағишлайди.

“Тажрид” дунёдан узилиш бўлса, “тафрид” Худо билан бирга бўлиш, ўзини Худога бағишлаш, ўзини шикаста ва ожиз тутиш, Худонинг қудратини баланд ва азиз тутишдир. “Тафрид” инсоннинг ўз Яратувчисига бўлган муҳаббати дарахтининг меваси бўлиб, киши “тафрид” ҳолида бўлмагунча, маърифатга эриша олмайди.

Узлат чилла ўтириш, хилватнишинлик билан амалга ошган. Узлатдан кўзланган мақсадларнинг биринчиси Худони ўз хулқига гаров деб билиш бўлса, иккинчиси ўз феъл-атворидан шарр, яъни ёмонликни бартараф этишдир. Учинчиси ийсор, ўзини бағишлаш ва ўз хулқи ҳақида мавло (хомий) билан суҳбат куришдир. Узлатга че-

киниш, демак, инсоннинг ўз-ўзига чекинишидир. Аввал ботинни англаш, тарбиялаш даркорки, бу нафсни поклашдан бошланади

Узлатнинг асл мақсади хилватда адо қилганлиги сабабли хис-туйғуни жиловлашдир. Хис-туйғуда ёйиладиган нарса шу жиҳатдан салбийдирки, рух мубтало бўладиган хар фитна, офат ва балолар нафсини кучайтиради ва уларнинг сифатларида тарбия топган нафс хиссиётлари ичидан чиқиб, рухни ўзига тобе қилади. Хилват ва узлатда эканлик хис-туйғудан халос бўлишга мадад бериб, уни дунё ва шайтон ишларидан, шахват ва омонат нафс олишдан кутказади.

Хилват ва узлатга кетиш шундай хиссиётларни босилишига олиб келадикки, гўё касални даволамоқчи бўлган табиб, дардга сабаб бўлган заррли маразни аниқлаш учун биринчи галда беморнинг ички аъзоларини тозалаш чорасини кўради. Чунки ични тозалаш билан фосид модданинг зўрайиши тўхтатади. Табибларнинг

қайд этишича, ички аъзоларни тозалаш ҳар қандай даволашнинг бошидир. Ундан сўнг шифо баҳшида этиш осонлик билан кўчади ва ёмон модда бартараф этилади. Табиий қувват ва ғайрат бу зарарли модда остида банд бўлганлигидан қутулиб, жонланади ва ўз табиий вазифасини бажаришга киришадики, натижада касаллик чекиниб, тана соғломлашиш томон боради. Демак, ички аъзоларни ювиш бадани зарарли моддалар қабзиятидан халос этгандек, дилни ювиш ҳам уни мажрухликдан дадиллаштиради.

Кўнгил Аллохнинг уйи, манзилгохидир. Худди яхшилар мажлисига қатнашмаган киши яхшиларнинг яхшилигини билмагани каби, кўнгил шарбатини тотиб кўрмаган киши унинг лаззатини билмайди. Қалбни мажрух қиладиган нарса дунё матохларига алданиб, Худони унутиш, унинг амрларини бажармаслик ва ғафлатда қолишдир. Бундай кишилар кўринишидан тирик бўлсалар ҳам, аслида ўликдирлар. Улар покланиш билангина қалб касаллигидан фориғ бўладилар.

**Таважжух.** Зехни диққат билан бир нарсага қаратиш, инсоннинг ўзи билан ўзининг кураши, ҳамма вақт Яратганга юзланиб, Ундан мадад сўраб, Унга сари қалбан интилиши, Аллоҳга ўзининг бутун борлиқ вужуди билан юзланиши, яъни худди ўлган шахс бу дунё ишларидан чиқиб кетгандек, инсоннинг ўзининг бутун зоти ва моҳияти билан уни Худодан бошқа ҳамма нарсадан алоқасини узиб, фақат Аллоҳ таолога ўз эътиборини қаратиши, яъни унда Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай матлуб ва махбуб, мурод ёки бирор мақсад қолмаслигидир.

Агар унга барча элчи этилган ёки элчилик даражасида бўлмаган пайғамбарларнинг мартабаларини берилса ҳам унга илтифот этмаслиги керак. Чунки кўз очиб юмгунча ҳам, унга махлиё бўлса, Аллоҳдан фориг бўлишга олиб келади. Маърифат ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза бўлган, бутун фикризикри билан Аллоҳга таважжух қилган инсонга насиб этади. Зеро, Аллоҳга

бир соат таважжух қилиш куёш нури тушадиган барча нарсалардан яхшироқ экан. Таважжух туфайли Аллоҳнинг розилиги ва муҳаббатига эришилади, қалб сокинлашади.

**Сабр.** Инсоннинг чидами, бардоши, тоқати, қаноатдаги устуворлиги, инсоннинг бошига тушган ҳар бир қийинчиликка чидаши. Сабрнинг яна бир маъноси танглик билан ўзини тутиб туришдирки, сабр – илм, ҳол ва амал билан камолга етган. Имоннинг юксак даражаси ҳам Аллоҳнинг ҳукмига сабр қилиш ва тақдирга рози бўлишдир.

Бахтли онларда ховлиқмаслик, кулфат ва машаққатга йўлиққанда бахтиёр кунлар яна келишини ёдда тутиш ва сабр-тоқат, қаноатни қўлдан бермаслик катта фазилат саналади. Ризонинг боши ҳам сабр бўлиб, Ҳақ йўли оғир ва мушкул йўл, унинг азобу изтиробига чидаган инсон мақсадига эришади. *“Аллоҳ албатта сабрлилар билан биргадир”*<sup>1</sup>, *“Аллоҳ мусибатлар-*

<sup>1</sup> Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Бақара сураси, 153-оят. 23-бет.

га чидаб, сабр қилгувчиларни севади”<sup>1</sup> каби Куръон оятлари ҳамда “Мусибат етганда сабр қилувчи, кечирувчи ва тавба қилувчи кишиларга хотиржамлик ва ҳидоят ато этилур”<sup>2</sup> хадисидан ибрат олган инсоннинг сабри ҳамиша Аллоҳдан рози бўлиши, халқнинг озори-ю, ғофил ва жоҳилларнинг ёмонлигига бардош билан чидаши, улардан шикоят қилмаслиги, ҳамиша ростлик ва содиқликда эканида намоён бўлади.

Сабрли кишилар аввало ўзларини ислоҳ қилишга, гуноҳ ишлардан тийилишга, “бирояннинг айбини қидиргунча, ўзининг айб-нуқсонларини тузатишга” интилади. Нафсни қайғу ва аччиқланишдан, тилни шикоятдан ва аъзоларни ташвишдан тутиб туриш, қилиниши яхши ва гўзал бўлмаган нарсалардан сакланиш, Куръон ва суннат аҳкомларида собит туриш, бало етганда гўзал одоб, изтироб пай-

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. Оли Имрон сураси, 146-оят. 68-бет.

<sup>2</sup> Ахлок-одобга оид хадис намуналари. 140-бет.

тида қалбнинг собит туриши сабрнинг камолидандир. Сабрда сўз ва амал собит бўлса, хаттоки фалакнинг зулмига учраган киши ҳам муродига етиши муқаррар экан. Ҳалол лукмадан пайдо бўлган маърифат ва илохий файз туфайли инсон Аллоҳга якинлашиб, илохий сирлар сохибига айланади. Бир лукма харом эса эришилган барча файз ва шукухни емириб, йўқ қилиб юбориши мумкин экан. Сабр туфайли инсон моддий ва маънавий яхшиликларга эришиш йўлида йўлиқадиган жисмоний ва руҳий машаққат ва аламларга чидашга ўрганеди.

**Муроқаб**а. Инсоннинг бирор нарсага диққат билан нигоҳ ташлаши, кўзни юмиб, Аллоҳ ёди билан банд бўлиши, дунёга тааллуқли хаёл, ўткинчи майллардан фориғ бўлиши, инсоннинг Аллоҳ томонидан ҳамиша кузатилиб туришига бўлган ишончи ва ҳар бир аҳкомга Аллоҳни кўриб тургандек амал қилишидир. Муроқаб

туфайли тавба-тазарру қилиб, зикру тоат, сабру садокат билан маърифа-

тини ошириб борган инсон бора-бора осойишта бир холга келади, Аллоҳ дийдори ёдида тафаккурга фарқ бўлади, оламларни рухан сайр қилиб чиқади, кўз олдига Аллоҳ жамоли ва Пайғамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тўлишиб тасаввур ва тахайюли кенгайди, ғайб асрори эшиклари очилади. Тафаккурга фарқ бўлиш шахснинг ўз воқелигидан, ўз куч-қуввати ва қодирлигидан чиқиб, барча умид кўзларини Ҳаққа тикиб, ундан кечирим сўраш ҳолатидир. Унинг лутфидан баҳраманд бўлиш умидида, унга яқинлашиш илинжида ўзлигидан кечиб, ўз ўрнини унга бўшатиб, бу дунёдан у томон юз ўгириб, ўзининг бутун сифат ва хусусиятларидан воз кечиб, бутун борлигини Унга топширишдир. Унинг фикри ва майли дарёсига шўнғиб, унинг дийдорига мушток бўлмоқликдир. Унинг дилида фақат Унинг орзуси ёниб, жони Унинг васфида нола қилса ҳам, сабр билан Ундан ўтиниб сўрайдики, Аллоҳ таоло



унинг фарёдига етиб, ҳеч ким монелик кила олмайдиган ўз раҳматини ундан дариф тутмагай ва уни барча азоблардан фориф қилгай.

Илоҳий сирларни англашда бардавом бўлиши учун инсон ички дунёсини илоҳий ҳақиқатга тааллуқли бўлмаган нарсалардан тозалаб бевоҳита муроқаба (тузатиш) йўли билан ҳақиқатни билишга интиланган. Инсон камтарликни мушоҳада қилиб, унинг оқибати, савоби, мукофотини ва унинг зидди манманликнинг оқибати, унга бериладиган гуноҳу азобни мушоҳада қилиб, камтарлик билан хулқланади. Манманликни тарк қилади. Ёки инсон сахийликни мушоҳада қилиб, унинг оқибати, савоб, мукофотини ва унинг зидди бахилликнинг оқибати, унга бериладиган гуноҳ ва азобни мушоҳада қилади. Сахийлик билан сифатланади ва бахилликни тарк этади.

Агар бирор кишида муроқаба туфайли йўл очилмаса, унинг сабаби шундаки, у Аллоҳнинг раҳмати билан яхши таниш бўлмаслиги оқибатида,

унинг нури хали нафс зулматини ёритмаганидир. Нафсини шахватдан, кўзини харомга боқишдан сақлаган, ботинини доимий муроқаба билан таъмир қилган, зоҳирини суннат билан безаган кишининг фаросати хато қилмайди.

Агар Аллоҳнинг раҳмати тушса, нафснинг зулматидаги ҳозирлиги кўз очиб юмгунча йўқоладики, кўп йиллик кураш ва риёзият чекиш ҳам уни бунчалик тез бартараф қила олмас эди, яъни *“Худо яхшиликни ёмонликка ва ёмонликни яхшиликка айлантиришга қодирдир”*.

Муроқаба инсонни Аллоҳ муҳаббатига етказади. Аллоҳ уни кўриб ва эшитиб турганини ҳис қилиш инсон қалби тирик эканининг аломатидирки, агар қалб хаста бўлса, зикр, муроқаба кўп бўлмаса, бу мақомга эришиб бўлмайди. Тоат ва ибодатда муроқаба ихлос билан, маъсиятда тавба, надомат ва гуноҳдан ажралиб чиқиш билан, мубох нарсаларда одобга риоя қилиш билан, неъматлардаги муроқаба шукр

билан, мусибатлардаги мувоқабат сабр билан юзага чиқади.

**Зикр.** Эслаш, ёд этиш, дил, фикр, туйғуни Аллоҳга йўналтириб, Аллоҳ билан илоҳий ришта боғлаш, Унинг исмларини зикр қилиш орқали Аллоҳнинг чексиз қудрат, гўзаллигини идрок этиш. Зикр иймон ва илмдан иборат бўлиб, қалб амалларини тартибга солади. Ҳар бир нарсанинг шифоси бўлганидек, қалбларнинг шифоси зикруллоҳдир. Инсон ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги, калима, дуони мунтазам такрорлаб туриши билан қалбига Аллоҳ таоло сифатлари ва Зоти жойланади. Унинг қалбида Аллоҳ нури порлай бошлайди.

Нажмиддин Кубро “*зикри хуфий*”, яъни қалб зикрини афзал билган. Унинг фикрича, зикр жараёни инсоннинг нафас олиш жараёни билан боғлиқдир. Ҳайвоннинг нафас олиши табиий зарурат туфайли юз беради, инсон ҳам айна ўша зарурият юзасидан нафас олган ҳолда, нафас олиш жа-

раёнида ғойибона Ҳақ субхонаҳунинг номини зикр этади<sup>1</sup>.

Аллоҳнинг савоб ва мукофотларига эришиш учун ибодатлар, фарз амалларини бажариши, харомдан тийилиши, қўлидан келган барча яхшиликни қилиши, дунёвий ишларни бажариб турган ҳолатда бутун вужуди билан Аллоҳнинг исмини зикр қилишга машғул бўлиши лозим бўлган. Қалбда “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси мустаҳкам ўрнашгач, иймон нури ҳам кучайиб, илоҳий асрор пайдо бўлади. Агар инсон Аллоҳ зикрида бардавом бўлмаса, унинг қалби қотиб қолади ва илоҳий неъматлардан мосуво бўлади.

Қачонки инсон Аллоҳ зикрини ҳар дақиқа, ҳатто ухлаганида ҳам айтиб турадиган бўлса, унинг қалби Аллоҳ зикри билан тирилган ҳисобланади. Бундай қалб юмшайди, майинлашади, вафснинг харорати ўчади, қалбнинг

---

<sup>1</sup> *Шайх Нажмиддин Кубро. Фавотиҳ ул-жамол / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга таяёрловчилар: Иброҳим Ҳақкул, Ализа Бектош. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004. 66-бет.*

каттиқлиги, қўполлиги ва кескинлиги кетади. Бундай кишилар “зокир” деб аталадики, улар хидоятга эришган ва қалблари Аллоҳнинг зикри билан ором топганлардир.

**Ризо.** Маънавий камолотнинг олий мақоми ризо бўлиб, қачонки инсон нимаики Ҳақдан келса, ва ҳар ким сабаб бўлса, Яратувчидан ўзга кишини орада кўрмай, Аллоҳнинг қудрати-ю, чексиз илмини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул Унинг иродасига топширса ва Аллоҳ олами билан ҳузурланса, бу ҳолатда Ҳақ унга ва у Ҳаққа яқинлашади. Ризо – қайғу ва қадарнинг аччиқлигини қалб севинчи билан қарши олишдирки, у ғайбдан етadиган нарсаларга мувофақат қилишдан устун туради.

Ризо шахснинг нафс хушнудлигидан чиқиб, Худо хушнудлигига кириши ва азалдан нимага ишонган бўлса, ўшани ўз бўйнига олишдир. Ўз иродасини то абад қоладиган нарсага воқелик сифатида қайтариб, ўлимга ўхшаш ўткинчи нарсага эътироз билдиришидир: “Бар-

ча ишларимни маҳбубим (Аллоҳга – З.И.)га қайтардим, агар хоҳласа тирик қолдиради, хоҳласа нобуд қилади”. Агарда тафаккурга фарқ бўлиш яхши амалга ошса, солиқни ром қилиб олиб, унинг алоқасини бошқа нарсалардан узиб ташлайди. У ишонч хосил этадики, ҳамма нарса илман ва айнан ўзига боғлиқдир.

Розилик макоми муҳаббатга асосланган бўлиб, Ҳаққа етишганлар макомидир ва охириги босқичда солиқлар макоми сифатида ҳам вужудга келади. Ризо, қазо ва кадр ҳукмлари устидан хушнудлик билдириш бўлиб, азалда яратилган нарсанинг жилоси айё муайянлиги бўлса, кадр нарсалар яратилишининг ўзидир. Азалдан тайин этилган иродага мувофиқ бу мақом тўғрилигининг аломати шундаки, фақирлик, бойлик, ранж чекиш, роҳат, ўлим ва ҳаёт бошқа шунга ўхшаш нарсаларнинг барчасини хилма-хил ҳолатлари Унинг олдида тенгдир ва уларнинг бирини иккинчисидан афзаллик томонлари йўқдир. Ҳазрати

Али дейдики: “Хурсандчилик асосига курилган макрухликка ҳеч қандай макрухлик етиб келмайди”, яъни унга нима келса, келиши керак эди. Шунга биноан, унда нима содир бўлиши керак бўлган бўлса, шу нарса келади ва бу мақомнинг эгасини беҳиштга тушиши нақд бўлади. Зеро, хурсандчилик беҳишт ахлининг лозим бўлган нарсаларидандир. Шунинг учун ҳам беҳишт дарвозабонининг номи ҳам “ризвон” деб аталади.

Ризо ички табиий ҳолат, унинг мақоми катъий сифат бўлиб, тўғри ишонч воситасида дилда бўлади ва Аллоҳга нисбатан кучли муҳаббатда ифодаланади. Бунинг маъноси нафсдан ҳазар қилишга қарама-қарши эмас. Шундай экан, у қалбнинг қасали бўлади ва нафс макрухлиги шу билан изоҳланади. Ризо ҳолати турғун бўлмай, ақлга киритилган нарсанинг унга даҳли йўқдир. У нафс қаромати билан қўшилмайди, чунки унинг латиф тухфаси бўлиб, илоҳий хулқа муносибдир. Унинг таъсири барча

шахсларга етади. Демак, ризо холати ҳам шундай бўлса, унинг қудрати кўп нарсаларга қодир бўлади ва у нафсдан ҳазар қилиб, у билан кўшила олмайди.

“Нафахот ул-унс”да келтирилишича, шайх Кубронинг муридларидан бири Маждиддин Бағдодий жисмонан нозик ва латиф табиатли йигит эди. Нажмиддин Кубро даставвал уни сув ташиш, хонақоҳни супуриб-сидириш, нопок жойларни тозалаш ва хоказо ишларни бажаришга мажбур этади. Маждиддиннинг онаси машҳур табиб бўлган экан, у ўғлига раҳми келиб, шайхга одам юбориб: “Илтимос, менинг ўғлимни қийнамасинлар, агар ўша ишларни қиладиган хизматкор керак бўлса, мен ўнта турк фуломларидан юборай, Сизга хизмат қилсин”, – дейди. Нажмиддин Кубро аёлга жавобан, “Ажаб, сен ўзинг табиб экансан, айтчи, ўғлинг касал бўлса дорини ўзи ичиши керакми ёки унинг ўрнига турк фуломлари ичадими?”



Зикр этилган мазкур талабларнинг барчаси босқичма-босқич қалбни пок-лаш, шуурни Ҳақ томон ростлаб бо-ришга қаратилган. “Ал-усул ал-ашара” XIII аср фалсафий тафаккурига кучли таъсир этган, Шарк фалсафасини бир поғона юқори кўтарган теран фалса-фий асардир.

Нафсининг залолатидан қутулган ва руҳи жисмидан устун бўлган инсон намоз, рўза, зикр каби кундалик ва-зифаларни ҳеч бир малоллик сезмай, ҳузур қилиб қалб иродаси билан адо этади. Бўлажак воқеаларнинг тақдир эканлиги ҳамда қисматни Аллоҳнинг иродаси деб билган инсон Аллоҳ бер-ган ризққа қаноат қилиб, ҳар бир ишда Аллоҳни ўзига таянч-мададкор деб билади.

Аллоҳ исмларини қалбига нақш-лаган инсонни Аллоҳ кўрқувидан бош-ка ҳеч бир кўрқув изтиробга солмай-ди. Аллоҳ унинг барча амалларини бошқариши, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканлигини англаган

инсон бутун инон-ихтиёрини Аллоҳга топширади, Аллоҳ учун яшайди, Аллоҳ учун одамларга яхшилик қилиб, Аллоҳ учун ёмонликдан сақланади.

Бундан кўринадики, агар Аллоҳ ўзи танлаган инсонга Ўзини танитса, унга муҳаббатни ҳам, кўрқувни ҳам, йўқотишни ҳам, бойликни ҳам, камбағалликни ҳам сезмайдиган қилиб кўядики, унинг учун улар ҳеч бир маънога эга бўлмайди. Маърифат орқали Аллоҳ ва инсон ўртасидаги пардалар кўтарилади.

Нажмиддин Кубро инсон маънавий камолотида динийлик ва дунёвийликни бир-бирига боғлашга интиланган. Шайх ахлоқий баркамол, етук кишиларгина илоҳий қудратни билишга яқинлаша олишини эътироф этган ҳолда, муридларини ўн қоида асосида комил инсон қилиб тарбиялаб, маънавий уфқларни забт этган. Ҳақиқий бахт-саодат инсоннинг ичидадир. Бахту саодат инсоннинг мол-дунёсининг кўплигида ҳам, амалу мартабасининг кучида ҳам, фарзандларининг кўплигида ҳам,

фойдали манфаатда ҳам, моддий фаровонлигу тўкин ҳаётда эмас. Бахту саодат – маънавий бойлик бўлиб, инсон нафсининг поклиги, қалбининг хотиржамлиги, дилининг кенглиги ва виждонининг тозалигидир, уни куз билан кўриб бўлмас ҳам, унинг моҳияти ўн қоидада мужассамдир. Агар бахт-саодатни дарахтга киёс этилса, унинг униб ўсадиган жойи инсоннинг нафси ва қалби, унинг суви, озуқаси, хавоси ва ёруғлиги Аллоҳга ишончдир.

Ривоят қилинишича, золим киши қўл остидаги мазлумга: “Сени албатта бадбахт қиламан” деб дағдаға қилган. Мазлум эса хотиржамлик билан: *“Мени бахтиёр қилишга кучингиз етмаганидек, бадбахт қилишга ҳам қурбингиз етмайди”* деганида золим даргазаб бўлиб: *“Қандай қилиб қурбим етмас экан, бойлигим етарли, айтганим айтган, деганим деган, истасам сени хоҳлаган кўйимга солишим мумкин”,* – дебди. Мазлум эса комил ишонч билан: *“Сиз ҳамма нарсага эгаллик қилсангиз ҳам, бир нарса-*

га эгалик қила олмайсиз. Менинг ий-моним қалбим ичида. Қалбимга эгалик қилишга Роббимдан бошқа ҳеч кимнинг кучи етмайди. Ризқ ҳам, жонимиз ҳам Аллоҳнинг измида”, – деб жавоб берибди. Золим ўзининг нақадар ожизлигини англаб етибди.

Одам фарзанди эгалик қила олмайдиган, берилган кишисидан тортиб ололмайдиган саодат “ал-усул ал-ашара” дирки, унинг сурурини хис этган инсон шундай дейди: “Биз бахту саодатда яшаймиз. Агар буни подшоҳу султонлар билганларида эди, унга эгалик қилиш учун устимизга қилич кўтарган бўлар эдилар!”.

## КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Тариқат макомларини босиб ўтган валийда илм (маърифат), хилм (юмшоқлик, тавозуъ), такво (хар жиҳатдан парҳезкорлик), сахв (хатоларни англаш), шукр (Аллоҳнинг неъматларига шукр қилиш), сидк (ростгўйлик), вафо (аҳдга содиқлик),

ризо (Аллох тақдирига рози бўлиш), сафо (кўнгилни соф этиш), ишқ (мухаббат) каби сифатлар мужассам бўлган.

**Вужуд покизалиги.** Поклик иймондандир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам поклик мўминнинг аслаҳаси эканини айтганлар. Вужуд, қалб ва ният поклиги инсонни юксалтиради. Вужуд қанча покиза бўлса, иймон шунча нурга тўлишади. Қуръонда "Дарҳақиқат уни (ўз нафсини, жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди"<sup>1</sup> дейилган. Сув чинакам мўъжизаки, поклик сув биландир. Вужуд покизалиги узлуксиз давом этса, инсонда раббоний нур барқ уради.

**Хилват.** Инсоннинг ўзи ёлғиз қолганда унинг асл ҳоли намоён бўлади. Хилватга кирган инсон туйғу аъзоларини жиловлайди, фаолиятдан тўхтайтиди, ҳар бир амалини сарҳисоб қилади, қилган гуноҳлар учун тавба қилади ва истиғфор айтади. Хилватда сокин бўлган инсон одамлар орасига

<sup>1</sup> Қуръони карим. Шамс сураси, 9-оят. 631-бет.

кайтгач, ўзини идора қилиши мураккаб жараён дир. Ёлғизликда ибодатнинг ҳам таъсири ўзгача бўлгани холда, одамлар орасида вазият бошқача тус олади. Ривоятга кўра, икки валийлик мақомига эришган, соҳибқаромат ака-ука бўлиб, бири шаҳарда косиблик, иккинчиси тоғда чўпонлик қилади. Ука қўйларнинг сутини рўмолчага туғиб, акасининг олдига келади ва сутни устунга боғлайди. Ака-ука хол-аҳвол сўрашгач, дўконга бир аёл келиб, пойабзалини тикиб беришини сўрайди. Ака ерга қараб, аёлдан пойабзални олибди. Уканинг кўзи аёлга тушибди ва шу захоти рўмолчадаги сут ерга тома бошлабди. Ака бу ҳолатни кўриб, укасига: “Кўзингга қара, нафсингга ҳоким бўл, шаҳарда яшаш тоғда чўпонлик қилиш эмас”, – деган экан.

Хилватнинг фазилати шундаки, инсон одамлар орасида бўлса ҳам, якка холида ҳам, гуноҳлар тўлиб-тошган манзилда ҳам худди Аллоҳ хузурида тургандек ҳис қилади. Истаклардан холи бўлган, нафси зулмидан озод

бўлган, барча боғланишдан узилган ва ёлғиз Аллоҳга боғланган инсон қалби очилиши учун хилват бебаҳо – шифо масканидир. Туйғуларини жиловлаган инсонда қалб туйғуларининг туйнуғи очилади. Қалб илоҳий нур билан ёришади.

**Сукут.** Инсонни зулмат ва оташга етаклайдиган нарса унинг тили бўлиб, овиздан чиққан ҳар бир сўз уни залолатга олиб боради. Инсон кўп гапирганида сўзларида хато эҳтимоли ортади. Гапирган сари хатолари кўпаяди, гапирмаса, тафаккури ортади, фикрлаш қобилияти ўткирлашади.

Инсон сукут орқали жуда кўп фазилатга эришади, энг аввало мунофиқлик ва ёлғончиликдан қутулади. Инсон қачонки беҳуда гап-сўзлардан кечиб сукут қилса, қалб каломини эшитади. Тил гапира бошласа, қалб сукут сақлайди. Қачонки тил сукут сақласа, қалб сўзлай бошлайди.

**Рўза.** Шайтон ўқларидан қутилишнинг воситаси рўза эканки, нафс ва шайтон билан мужодала қилган киши

учун рўза қалқон вазифасини ўтайди. Рўза вужуддаги сув ва тупрокка оид нарсаларнинг камайишига таъсир этади, қалбни ғубор, кир ва чиркинликдан тозалайди. Меъда, қорин бўшаганда инсонда маънавий бир хол вужудга келиб, қалб юмшайди, мулойимлик пайдо бўлади.

**Зикр.** Қалбни нурлантирадиган ва қалб кўзини ҳам нурга тўлдирадиган восита давомли зикрдирки, қалбга улашган зикрдан оташ пайдо бўлади. Бу оташ Аллоҳ билан банда ўртасидаги барча пардаларни куйдириб, зикрни Унга етказди. Хадисда ҳам “Аллоҳ билан банда орасида нур ва зулматдан майдонга келган етмиш минг парда бор. Агар бу пардалар очилса, важҳининг нури ҳамма ёқни куйдириб, кул қилиб ташлайди” дейилган.

**Таслимият.** Инсоннинг барча истак-хоҳишларидан воз кечиб, фақат Аллоҳнинг иродасига бўйсунуши, ҳар бир ишда ихтиёрини Аллоҳ ҳукмига ҳавола этиши таслимият талабларидир. Таслим бўлган, самимияти кўп бўлган




инсонгина кўзлаган мақсадига эришади. Таслимият бўлмас экан, унинг барча саъй-ҳаракатлари бефойдадир. Қалбда ризо, таслим каби сифатлар қарор топса, инсон ҳар бир ишда ўз ихтиёрини Аллоҳ ҳукмига ҳавола этади, Аллоҳга бўйсунди ва ширкдан холи бўлади.

**Хотирани поклаш.** Инсоннинг барча ёмонликлардан асрайдиган нарса хотирани поклаш, ҳамиша Аллоҳ ёди билан яшашдир. Қачонки, қалбда Аллоҳ зикри муқим бўлса, шайтон у ерга қира олмайди. Айтиладики, шайтон ҳартумини мўминнинг қалбига санчади. Агар қалбда Аллоҳ зикри бўлса, дарров ҳартумини тортиб олади, акс ҳолда қалбда кин, адоват, душманлик, ҳасад, кўролмаслик каби иллатларни илдиэ орттиради. Нафси инсон ички оламининг султони дейдиларки, унинг лашқари ҳавойи орзулар, шахват, ҳайвоний руҳдир. Инсон аввал оққорани яхши билмагани, Аллоҳнинг ҳикмати ва раҳматини англамагани учун адашади. Хотирани поклаш учун

шайтон васвасасидан озод бўлиш керак. Нафс шу вақтда инсоний қолипда тўнғиз хирси, тулки хийласи, маймун эҳтироси, эшак шахвати, бўри фитнаси, хўкиз орзуси, шайтон макри ва ҳасад оташи билан тўлиб тошади. Инсон буларни енгиш учун бадан уйини риёзат билан тозалаши лозим бўлади. Қачонки, қалб шайтон ҳукмларига таслим бўлмаса, нафсда солимлиққа эришса, кўпол ва ёмон хулқлардан йироқлашса, хотирага путур етмайди, акс холда гуноҳлардан инсоннинг қалби кирланади. Инсон шубҳали нарсани тарк этиш орқали қалб поклигига эришади. Асл фатво берувчи муфти эмас, инсоннинг ўз қалбидир.

**Пир.** Инсоннинг мақсад сари оғишмай интилишида ғоявий раҳнамо бўлиши лозимки, пир инсоннинг нафсини тарбиялаш йўли билан уни маърифатга олиб чиқиш ва комил инсон даражасига етказиши. Пир шогирдга қалбни қорайтирадиган нарсалар кўп ейиш, кўп сўзлаш ва кўп ухлаш экани, нафсни ислоҳ этиш учун меъёрида



овқатланиш, оддий кийиниш, мазмунли умр кечиришга эътибор қаратади, фойдали ва зарарли нарсаларни танитади.

**Уйқу.** Риёзат вужудни толиқтирса, уйқу баданга роҳат беради, инсоннинг орзу-истакларини ортттиради. Шунинг учун ҳам риёзат ва уйқу ўзаро зиддир. Уйқу шундай бир ҳолатки, вужудни ислоҳ қилиш, фойдаларни эгаллаш, зарарларни даф қилиш учун ғайрат кўрсатади. Киши уйқоқ экан, рух баданда ҳибсланади. Инсон ухлаши билан рух ҳам аслий ватани – ладуний, илоҳий манбага парвоз қилади. Ғайб ва маънолар оламини танишдан, рухлар билан мулоқот қилишдан роҳатланади. Туш инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, инсонни ҳиссиёт олами мушоҳадасидан барзаҳ (абадий дунё) олами мушоҳадасига боғлайди. Ҳадисда “Солиҳ кишининг туши нубувватнинг қирқ олти жуздан бир жуздир” дейилган. Туш таъбирининг сири ҳам ана шундаки, инсон руҳи бошқа инсон (вафот этган, ҳаёт бўлган,

хали туғилмаган) рухи билан мулоқот қилади. Бу эса тушда акс этади.

Қачонки, инсон мужоҳада орқали истироҳат ва уйқуни тарқ этар экан, тупрок, сув, олов ва хаводан иборат тўрт унсурнинг устунлигига барҳам берилади, улар эриб битади ва йўқ бўлади. Қалб бу пардалардан сидири-либ соф ҳолга келиши билан басират кўзи билан ўн саккиз минг оламни сайр қилади.

**Таом.** Инсон ейиш-ичишда ўрта йўлни танлаши лозимки, ҳаддан ташқари оч қолмаслик ва тўйиш даражасидан ҳам ортиқ емаслик керак. Рухий офат ва балоларнинг ҳаммаси тўқлик ва очкўзликда, хайру барақа оч кориндадир. Ҳадисда ҳам: *“Инсон фарзанди тўлдирган энг ёмон қоп қориндир”* – дейилган. Тўқлик қалбнинг қаттиқлашуви ва пардаларнинг қалинлашуви, мушоҳаданинг сусайиши ва мужоҳада ўрнини танбаллик ва дангасалик эгаллашига олиб келади. Ибодатга тўсқинлик қилади. Шубҳали таомлардан сакланиш ва

қалбни офатлардан асраш натижасида қалб хотиржам бўлади, роҳатланади. Хотиржам қалб эгасининг дуолари ижобат бўлади.

**Вақт.** Мозий билан иқтиқбол орасидаги маънавий ҳолдирки, вақтни кескир қиличга ўхшатадилар. Вақт кимидир. Инсон қачонки, вақт билан баробар юрса, ўтмишга ҳам, истиқболга ҳам назар ташламаса, ўтмиш ёки келажagini ўйлаб ўша ондаги вақтини беҳуда кетказмаса, вақтини муҳофаза қилса, мақсадига эришади. Вақт инсоннинг энг қимматбаҳо мулкидирки, вақтдан ортда қолган инсон умри афсус ва надоматга тўлади. Инсон ҳаётидаги энг оғир йўқотиш вақтни бой беришдир. Инсон табиати қизиқ: бойлигини йўқотса, ҳафа бўлади, лекин умри зое кетганига парво қилмайди. Шайх Кубро буюклигининг сабаби шундаки, шайх вақтни ўз кўлида маҳкам ушлаган эди.



## “ОФОҚ ВА АНФУС” ФАЛСАФАСИ

Нажмиддин Кубро қарашларида илоҳий олам ва инсоний олам ўрта-сиаги муносабатлар етакчи ўринни эгаллайди. Шайх Кубронинг тасаввуфга олиб кирган янгиликларидан бири “офоқ ва анфус” назариясидир. “Офоқ” – уфқ, осмон бўлса, “анфус” – рух, жондир. Бу таълимот олами кабийр (катта олам) ва олами сағийр (кичик олам) муносабатларига асосланган бўлиб, унга кўра, инсонни қуршаб олган ташқи дунё олами кабийрдир. Инсоннинг ўзи эса олами сағийрдир.

Нажмиддин Кубро фикрига кўра, ташқи дунёга хос ҳамма нарсанинг намунаси инсонда мавжуддир. Масалан, инсоннинг гавдаси ер юзининг, руҳи самонинг, қалби тоғларнинг, билимлари жаннат меваларининг, кўнгилда уйғонган файз ва илҳом ёмғирнинг, нафс қорнинг тимсоларидир. Қуръон оятлари инсоннинг ботиний дунёси-

да мавжуд, факат басират кўзи билан кўриш мумкин. Анфусий оламни англамасдан туриб, камолотга эришиб бўлмайди. “Анфус” – “офок”ни, яъни олами сағийр олами кабийр, илохий олам ва моддий оламнинг барча хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Инсон маънавий-рухий камолотга эришса, Аллоҳнинг “Раҳим” ва “Раҳмон” сифатларидан бошқа барча сифатларини эгаллай олади. Нажмиддин Кубро инсон заковати ва ақлий-важдий қобилиятига юксак баҳо беради: *“Валоят (валийлик) одам бола-сига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи, Парвардигор одамга ақл берган, ботиний нур берган, уни барча мавжудотдан афзал қилиб яратган”*.

Қачонки, ақл, дил ва тадбир чироғи инсоннинг нафсига қаратилса, нафс таслим этилиб, поклангунга қадар кечган ботиний жараёндан сўнг покланган ва сокин нафс зийнатланади. Шу тариқа инсон қалби шаффоф кўзгуга айланади. Ўша онда унда ҳамма нар-

са қалб кўзгусида акс этади. Қалбдан атрофга илохий нур порлайди, басират кўзи очилади. Басират кўзи орқали Аллохнинг жамол ва жалол нурлари жилваланади. Бундай ҳолатдан инсоннинг гўзаллик идроки ва иштиёқи тубдан ўзгаради. Шундай тариқа инсон ҳамма ерда ва ҳамма нарсада Яратувчисини мушоҳада қилиб, У сари талпинади. Бунинг сабаби эса нафснинг покланиб, сийратдаги барча қусур ва камчилик ва ёмонликларга барҳам берилганидир. Бу қарашлар тариқат куброси бўлган Нажмиддин Кубронинг қарашлари мағзини ташкил этади.

Нажмиддин Кубронинг “офок ва анфус” таълимоти насафлик шайх Азизиддин Насафий томонидан ривожлантирилиб, “Зубдат ул-хақойик” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) асарига олами куброни билишда шарият, хикмат ва тавҳид аҳли сўзлари қиёсланган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Э.Исҳоқова. Офок ва анфус фалсафаси / “Жамият ва бошқарув”. 2005. № 2. 93–96-бетлар.



Инсоннинг вазифаси маърифатга интилиш, маърифат нурлари билан тўлишиш ва мусаффолик сари интилиш экан, инсонга берилган қобилият қанча бўлса, қанча куч сарфласа, унинг мақоми шунча баланд бўлади. Ҳар бир инсоннинг мақоми унинг илми ва амалларига муносибки, ўз руҳини олий нуктага олиб чиқа олган ва “офок олами” билан алоқа боғлай олган ҳар бир инсон маърифат мақомининг энг сўнггисигача ета олар экан.

“Офок ва анфус” фалсафасига мувофиқ, инсон рух ва жисм, илоҳий ва моддий оламларни бирлаштирувчи, шунингдек, ўзини ўзи ва Яратувчисини танийдиган зот экан, унинг вужудида олам вужуди мужассамдир.

Инсон қанчалик маърифатли бўлса, у шунча инсонийдир. Бундай инсон оламдаги барча жонзотларга муҳаббат билан муносабат кўрсатади. Атрофга зиё таратиб, ўзгалар руҳини ҳам маърифатли қилади. У туфайли кўнгиллар нурланади, эзгулик сари чоғланади. Нажмиддин Кубро шаклга

эмас, моҳиятга эътибор қаратган, яъни шайх учун ягона мақсад барчанинг пок ниятини бирлаштириш ва ягона вужуд васлига муяссар этиш эди.

## **“ЛАТОИФ” – ИНСОННИНГ ИЛОҲИЙ ХИСЛАТИ**

Нажмиддин Кубро рухоний кечинмалар, нозик ҳолатларни таҳлил қилиб, “латоиф” назариясини ишлаб чиққан. Нажмиддин Кубро инсон руҳи кўзга кўринмас бешта латоиф марказлардан иборатлигини таъкидлаб, у онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасида жойлашгани учун “латоиф марказ”лар нозиклигидан илғаб олиш мушкуллигини эътироф этган.

“Латоиф” – “қалб”, “руҳ”, “сирр”, “хафий”, “ахфо” деб аталган. “Латоиф” – тупрок, сув, ҳаво, олов ҳамда нафсга нисбат берилиб, нафснинг асли – “қалб”нинг, ҳавонинг асли “руҳ”нинг, сувнинг асли “сирр”нинг, оловнинг асли “хафий”нинг, тупроқнинг асли “ахфо”нинг аслидир. “Руҳ”нинг

ўрни ўнг сийнанинг икки бармоқ ости, “сирр”нинг ўрни чап сийнанинг икки бармоқ юқориси, “хафий”нинг ўрни ўнг сийнанинг икки бармоқ устида, “ахфо”ники эса кўкснинг (кўкрак) ўртасидадир. “Латифаи нафс” – икки кўзнинг ўртасида жойлашган бўлиб, риёзат давомида “латоиф” турли шакл, ранг, холатларга ўзгарган. Нажмиддин Кубро инсон ҳаётида бу “латиф” марказларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб, қачонки инсон шу марказларни ўткирлаштириб, илғаб олса илоҳий хислат неъматига эришади, яъни “латоиф” инсоннинг илоҳий хислатидир.

Нажмиддин Кубро назарида “нукта”, “доғ” ва “доира” инсон руҳий холатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади. “Доира” – фалак доираларининг айланиши, “доғ” – дунё тимсоли ва “нукта” – ваҳдат бўлиб, “доира” тўхтовсиз айланиб туради ва “доғ”ни ҳам ўз ичига олади. Аммо улар марказга томон, яъни, “нукта” сари интилади. “Нукта” моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса

бўлади. Инсон рухи, шунингдек, хая-  
жонлар, хайратлар ичра турли ран-  
гларга ҳам дучор бўлади. “Доира”,  
“доғ” ва “нукта” айланиши ва ал-  
машиниши ранглар алмашинишини  
ҳам қамраб олади: рухнинг хислар  
босқичидаги тараққиёти қора рангда,  
кейин қизғиш рангда кечади. Сўнгра  
яшил ранг кўриниб, илоҳий олам-  
нинг яқинлигидан далолат беради.  
Шундай қилиб, ранглар инсон рухий  
ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаридagi  
даража-босқичларини билдириб тура-  
ди. Ранглар хилма-хиллиги ва алма-  
шиниб туриши инсон рухий ҳолати,  
шуурий кечинмаларининг давом этаёт-  
ганини ифодалайди.

“Талаввун” босқичи, яъни боти-  
ний-тафаккурий кечинма-ўйлар турли-  
туман бўлиб, рухнинг рангдан-рангга  
кўчиши ривожланишидан нишона  
ҳисобланади. Бу жараён охир-оқи-  
батда рангсизлик ҳолатига, яъни  
“тамкин”га олиб келади. “Тамкин”  
ҳолатига кирган инсон “талаввун”дан  
(ранг-барангликдан) қутулиб, бир хил-

лик, яъни “вахдат олами”га кўшилган бўлади.

Бу ҳолатни ранглар тилида ифода-  
далайдиган бўлсак, зангори ранг ин-  
соннинг тавба қилиб, тариқатга кадам  
қўйганида кўринади. Бунда у шариат  
доирасида бўлади, аклий тафаккур,  
мантикий-далилий билишдан ҳали  
кутулмаган, кўнглида дунёвий ҳа-  
васлар майли ҳукмрон бўлади. Бун-  
дан кейин тариқат бошланади. Инсон  
қалбида муҳаббат кўзғалиб, Аллоҳ  
ёди билан яшайди ва бу сарик ранг-  
га тўғри келади. Қизил ранг инсон-  
нинг руҳи вужуддан ажрала бошлаши,  
маърифатга яқинлашгани, маънавий  
моҳиятлар оламини англашини билди-  
ради. Аммо бу босқич ҳали нафсу хирс  
кутқусидан тўла ҳалос бўлмаган бир  
ҳолатдир. Қачонки оқ ранг кўринса,  
бу юракнинг покланишига ишорадир  
ва шундан сўнг ҳақиқатни англаш  
бошланади. Инсон бунда ҳақиқат  
оламидан хабардор бўлиб, “тавҳид”  
ҳолатини бошидан кечиради. Шундан  
кейин яшил ранг келади. Яшил ранг

валийликдан нишона. У сирларнинг сирига, ғайбга ошноликни билдиради ва инсоннинг асл моҳиятга етишганини ҳам англатади. Мазкур ранглар инсоннинг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарларини англатган бўлса, олтинчи ранг – қора ранг Аллоҳдан халқ сари сафарини билдириб, “канз ул-асрор” сирлар хазинасини эгаллашни ва хайратга ғарқ бўлишини ифодалайди. Хайратдаги рух шариатнинг мағзи-ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қоронғи бир доғ рангига ўралади. Ва ниҳоят, инсон руҳи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Маънавий камолотнинг олий даражасини эгаллаган ориф инсонда бир ранглилик ҳолати пайдо бўлган.

Нажмиддин Кубро ранглар хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг – исломни, сариқ ранг – иймонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – итминон (ишонч)ни, кўк ранг – иқон (тўлиқ ишонч)ни, қизил ранг – ирфонни, қора

ранг – хаяжон (хайрат)ни англатган. Инсон руҳи ҳолатлари, қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётгани унинг пир-муршидига аён бўлгани учун, рухий тараққиётнинг қайси босқичда эканига қараб пир унга янги вазифалар юклаган.

Нажмиддин Кубронинг ранг ва шакллар ҳақидаги қарашлари кейинги сўфийлар томонидан ривожлантирилган. Ранглар тартиби ўзгарган бўлса ҳам, айнан қора ранг хайрат белгиси ҳисобланиб, инсон руҳининг “фано” (йўқлик)га фарқ бўлиши ҳолатининг рамзи сифатида кўрсатилган.

Нажмиддин Кубро инсон руҳиятининг имкониятлари, унинг яратувчанлик ва мўъжизакорлик қувватини валийлик, каромат тушунчалари орқали баён этганки, қарийб етти юз йилдан сўнг Оврўпада бу ҳолатлар кенг ўрганилиб, инсон ҳислари, ақлидан ташқари яна бир куч борлиги ҳамда у одамнинг беҳудлиги даврида илхом билан қўлга киритилиши мумкинлиги ҳақидаги назариялар илгари сурилди

ва янги билимларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. XIX аср охири XX аср бошларида фалсафа тарихида инсон, унинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, инсоннинг руҳий ҳолатлари каби муаммолар А.Шопенгауэр (ваф. 1860 й.), Ф.Брэдли (ваф. 1924 й.), К.Ясперс (ваф. 1969 й.), З.Фрейд (ваф. 1939 й.) томонидан тадқиқ этилган.

Аслида илмга чанқоқлик инсон табиатининг бир бўлаги бўлиб, кўпинча илмга муккасидан кетиб умрини илмга бағишлаган олимлар “илм фан ғайбнинг пардаларини йиртиши шубҳасиз” деб эътироф этган ҳолда, ғайбнинг пардалари туганмас эканини кўриб ожиз қолишган ва бир умр “ҳақиқати йўқ сароб”нинг ортидан қувиб юрганларини англаб, ҳаётлари сўнгида кўп нарсани билишлик билан ўз ғамларини зиёда қилганларидан ҳасрат қилишган. Инглиз олими Б.Расселл инсон илм-фан ёрдамида табиат билан бўлган курашида ғалабага эришгани, ammo ўз нафси билан бўлган курашда ғалаба қила олмагани ва нафси енгиш учун



“илм-фан куроли” наф бермагани, диндан бошқа ҳеч бир илм унга даво бўлмаслигини таъкидлаб, илмнинг юксалиши мураккабликнинг ортишидирки, “фақат ақлнинг ўзига суяниш инсоннинг бахтини барбод қилиш учун етарлидир” деган хулосага келган. Илм-фан ва техника тараққиёти билан ҳаётнинг офир муаммоларини бус-бутун ҳал қилиш имкони йўқ, унинг ечими иймондир. Иймон инсон қалбида ҳикмат чашмаларини тўхтатиб бўлмайдиган даражада қайнаб чиқадиган килиб қўядики, бундан бошқаси билан амалга ошмаслиги аниқ. Бу ризолик ва муҳаббатнинг манбаидир.

## “ШАМС УЛ-ҚАЛБ”

Нажмиддин Кубро ахлоқ-одоби, ибратли турмуш тарзи билан қалбларни ёриштирадиган офтоб мисоли эди. Зеро, гўзал ахлоқ инсоннинг аҳдига вафоси, тўғрисиўзлиги, адолатлилиги, саховатпешалиги, меҳр-мурувватида акс этади. Инсоннинг чи-

ройи сўзининг гўзаллигида, камоли эса феълининг тўғрилигидадир. Шайх Нажмиддин Кубро хушхулкликлари ва гўзал ахлоқлари, юзларидан нур ёғилиб туриши, нафслари устидан ҳоким бўлиб, бошқаларнинг етказган озорини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилиб, уларнинг қилган айбу гуноҳи учун ўзларини айбдор ҳисоблаб, улардан уэр сўрашлари, барчага саховат ва шафқат кўрсатиб, Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётларини ўзларига намуна қилиб яшаганлари билан барчанинг меҳрига сазовор бўлган.

Нажмиддин Кубро инсоннинг нафсини тарбиялаш йўли билан уни маърифатли қилиш ва комил инсон даражасига етказишни мақсад қилиб, ўз тарбия усулини ишлаб чиққан ва энг аввало инсоннинг эътиқоди тўғри бўлишига аҳамият бериб, тасаввуф ахлоқига доир “Одоб уз-зокирийн” (“Зикр этувчилар одоби”) асарини ёзган.

Нажмиддин Кубро фикрича, тил барча мусибатларнинг манбаи, энг са-

вобли иш кишиларга озор бермаслик, энг яхши бойлик — кучли ирода, икки дунёнинг энг яхшилиги қаноатда, энг ёмонлиги тамагирликда экан.

Нажмиддин Кубро фақирлик ва дўзах исноддан яхшироқ эканлигини таъкидлаб, яшаш лаззати, вақтнинг ёқимлилиги, кайфиятнинг яхшилиги, кўнгилнинг фориёлиги, баданнинг роҳати, нафснинг соғломлиги, тунларни бедор кечирувчи Аллоҳ билан муножотлардаги ҳаловатли, шунингдек, қолган-қутган нон парчаларини еганда киши нафсида иззатни ва ямалган хирқаларни кийганда Тангри ҳузурида камтарликни ва ҳар доим ҳаёт софлигини фақирликда топиши мумкинлигини эътироф этган.

Нажмиддин Кубро “*дунё балолари денгизлари*”дан соғлом ўтишни истаган киши ўз нафси билан бирга куйидагиларни бажариши кераклиги, улар бандалик асоси, хизмат ва тоат маркази ҳисобланишини таъкидлаган: “*Ҳалол (луқма) емоқ, маҳол (имконсиз иш)ни тарк этмоқ, эътиқод бу-*

тунлиги, саъй-ҳаракатда содиқлик, ўлимга тайёр бўлиш, қўлдан кетганига афсус чекмаслик, бошқалар айбидан кўз юмиб, ўз айбларини кузатиш, сўзни (беҳуда сўзлаш)ни тарк этиш, (бошқаларга) ибрат кўзи билан боқиш, ахлоқни покизалаб, юриштиришни ўзгартириб, одамлар билан муросаю-мадора қилиш, ёлгон айтишдан четланиб, тилни рост гапириш ва тўғриликка ўргатиш, ҳар соату ҳар кунни умрни сарҳисоб қилиш, тадбирни тарк этиб, тақдирга тан бериш, вақтни бекорга ўтказмаслик, ниҳоят, зарур бўлмаган ҳолда (бировдан бирор нарсани) талаб қилмаслик, хулқ гўзаллигига эътибор бериш”.

Нажмиддин Кубро қачонки, инсон нафс истакларидан воз кечиб, уларни тарк этар экан, нажотга эришиши, бунинг учун шариат ҳукмларига бўйсуниб, ёмон ният қилмаслик, ха-миша тил, дил ва бадан поклигига амал қилиш, тилни беҳуда сўздан, қалбни шубҳа-ю гумондан, баданни кирланишдан сақлаш, машойихлар сўзини ибрат

билан тинглаш, кўп йиғлаш, кўнгилни корайтирадиган ҳар қандай амаллардан воз кечиш, умид билан амал қилиш лозимлигини таъкидлаган. Нажмиддин Кубро инсоннинг зотиға кўра заиф, мағлуб эканини эътироф этган ҳолда, агар инсон чин ихлос билан ғайрат қилса, мақсади раво бўлишини таъкидлайди: *“Дунёни кўр, унда сайр қил, ичига кир, аммо дунё сенинг ичингга кирмасин”*.

Инсон нафсини тарбия қилмагунча, комил бўлиши мумкин эмас. Зеро, аж-додларимиз ҳар қандай мураккаб, оғир ва тахликали шароитда ҳам ўзлигини йўқотмай, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда.

## “ШАЙХИ ВАЛИЙТАРОШ”

Авлиёларда зоҳир бўладиган ғайритабиий одат ва кароматлар, авлиёларнинг ўзига хос хусусиятлари туш

кўриш, бўлажак воқеаларни олдиндан башорат қилиш, узок шаҳарлардаги яқин кишиси билан алоқа боғлаб сўзлашиш, рухнинг жисмдан ажралиб сайр этиши ва қайтиб жисмга кириши, ўзгалар фикрини уқиб олиш ва фикран ўзгаларга таъсир ўтказиш, нафас қуввати, назар қуввати, дил қуввати, кўнгилдан ўтказиш, ҳолатга кириб вужуддан нур таратиш кабиларда намоён бўлганки, Шайх Нажмиддин Кубро ҳам каромат кўрсатиш ва хориқулудда хислатлари билан машҳур бўлган. Нажмиддин Кубро ўткир нафаси, назари ва суҳбати билан қалбларга ғулғула солган. Бу зот *“валийтарош авлиё”* деб улуғланган.

**Суҳбат файзи.** Нажмиддин Кубро суҳбатининг ўзи айни каромат бўлиб, ундан баҳраманд бўлиб, файз олганлар ўзларини ўзга оламда ҳис этишган, илоҳий бир қудрат билан тубанликдан юксакликка кўтарилишган, мартаба-мақомга эришган. Суҳбат орқали кўнгилларда муҳаббат асари пайдо бўлган.

**Назарнинг ўткирлиги.** Нажмиддин Кубро калбида илоҳий илҳом “ғалаботи важд” қўзғалганда, унинг назари кимга тушса, валийлик хислатига эга бўлган. Хонақоҳга томоша учун кириб келган бир савдогар Шайхни важд ҳолатида кўради. Нажмиддин Кубронинг муборак назари савдогарга тушгач, савдогарнинг ҳолати ўзгариб, калбида валийлик нурлари пайдо бўлади ва сулукка киради. Шайхнинг башорати билан тарикатдан насиба топиб, ўз юртига бориб, тарикатдан сўз очади...

Бир куни Шайхнинг муборак назари саъвани қувиб бораётган қарчиғайга тушади ва шу заҳоти қарчиғай ҳолсизланиб, саъва эса журъатланиб орқасига қайтади ва қарчиғайга ташланиб, уни енгади. Қарчиғайни тутиб, Шайхнинг оёғи остига келтириб ташлайди.

“Насойим-ул мухаббат”да ёзилишича, Асхоби Қаҳф билан ғорга кириб, жаннатий бўлган ит ҳақидаги оятлар тафсирида Саъдиддин

Ҳамавий сўз олиб, “*Бу замонда андоқ киши бўлмайди суҳбати итга асар қилмай?*” деганда, Шайх Нажмиддин Кубро “*Каромат нури била маълум қилдилар ва қўпиб хонақоҳ эшигига бориб турдилар*”. Шу пайт хонақоҳга бир ит кирган ва шайхнинг назари итга тушиб, ит ўз холида “*мутаҳаййир ва беҳуд бўлуб*” бошини ерга қўйган. Бошқа итлар уни тавоф қилган каби атрофида юрган. Ит хонақоҳдан кетмай, шу ерда ўлган. Шайх уни иззат-икром билан дафн эттирган.

#### ***Воқеаларни олдиндан кўриш.***

Нажмиддин Кубронинг суюкли муридларидан бири Мажиддин Бағдодий дарвешлар билан ўтирганда беҳудлик ҳолати юз бериб, “*Биз ўрдак тухумлари эдик, шайхимиз Нажмиддин товуқ эди, бизни очди, биз дарёга қараб йўл олдик, у эса қиргоқда қолди*” дейди. Бу сўзлардан воқиф бўлган Нажмиддин Кубро хафа бўлиб: “*Ўша сувда гарқ бўлиб ўл*” деб, Мажиддинни дуо-ибад қилади. Кўп ўтмай Хоразмшоҳ Мажиддинга ғазаб қилиб, уни Аму-



дарёга чўктириб ўлдиришга фармон беради. Воқеадан хабар топган Нажмиддин Хоразмшоҳдан ранжийди. Хоразмшоҳнинг ҳалокати, мўғулларнинг бостириб келиши ва обод шаҳарлар вайрон қилинишини қалб кўзи билан кўради. Хоразмшоҳ қилган ишидан пушаймон бўлиб, тухфалар билан Шайх олдига кечирим сўраб келганда, Шайх Кубро шафкат қилмайди: “Энди кеч бўлди, фарзандим Маждиддин қони жамики эл-авлодинг, мол-мулкингни берганингда ҳам ювилмайди, қонни қон ювади”, – дейди. Бу каромат тезда содир бўлади ва Хоразм вайрон бўлади. Хоразмшоҳнинг ҳеч бир авлоди тирик қолмайди.

**Муроқаб**а йўли билан ўзига **мурид танлаш**. Шайх Нажмиддин Кубро қалбида валийлик нишонаси бўлган одамни ғойибона таниган. Бир куни шайх Кубро муроқаб

орқали Туркистон диёрида муфтий Мавлоно Шамсиддиннинг Аҳмади Мавлоно деган фарзандини муридликка қабул қилади ва муриди Бобо Камол Жан-

дийга хирқа бериб, уни хонақохга олиб келишни буюради. Бобо Камол хирқани олиб Туркистонга жўнайди. Боланинг отаси ўелининг ёши кичиклиги ва касалмандлигини, катта ўвли эса бақувват эканини айтиб, аввалига рози бўлмайди. Лекин Бобо Камол пирининг айтганини қилиб, болани олиб келади.

Ахмади Мавлоно катта ихлос билан шариат ва тариқат илмларини ўзлаштириб, истеъдодини намоён қилади ва тариқат пешволаридан бирига айланади. Юртига бориб, тариқатдан сўз очади ва акасини ҳам тарбиялайди.

Туркистонлик Айнуззамон Жамолиддин Шайх Нажмиддин Кубронинг овозасини эшитиб, Хоразмга ўзи билан китобу дафтарини ҳам олиб келётганда тушида шайхнинг: *“Эй Гейли, орқангдаги юкингни ташла!”*, — деган сўзларидан уйғониб кетади ва фикр қилиб, китобларни Жайхунга улоктиради. Гейлини ҳузурида кўрган Нажмиддин Кубро унга қараб: *“Агар ул юкингни ташламаганингда, кели-*

*шинг бешойда эди, чунки сүфий илми китобда эмас, балки қалбадир”, – дейди.*

Келтирилган ривоятлар Нажмиддин Кубронинг ўзгаларга таъсир этиш, “қувваи назари” зўрлигини, башорат этиш қобилиятини кўрсатади. Нажмиддин Кубродай “валийтарош” улуғ шайхнинг назари “*тупроқни кимё қилгувчи*” эди. Шу ўринда Нажмиддин Кубродаги илоҳий қудрат “*ваҳший Чингиз босқинини қайтариб қололмагани, ҳамда Хоразм лашкарига муборак назарлари таъсир қилмагани*” хусусида тўхташ ва изоҳлаш жоиз деб хисоблаймиз.

Хоразм ўт ичида қолганда Шайхнинг муридларидан бири унга: “*На бўлгайким, ҳазрати Шайх бир дуо қилсалар, шояд бу бало мусулмонлар бошидан кўтарилса?*” – деб сўраганда, Шайх: “*Бу ўзгармас қазодир, уни дуо билан даф қилиб бўлмайди. Бу Аллоҳнинг гуноҳкор бандаларига юборган азим жазосидир*”, – деб жавоб беради.

Мўғуллар Хоразм ва бошқа обод шаҳарларда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилдилар. Маърифат ва маданият обидалари яқсон бўлди, ёндирилди, вайрон этилди. Шунга карамай, мўғуллар маҳаллий халқнинг дини – исломни қабул қилдилар. Ваҳшийлик ботқоғидан қутулиб, исломий ёруғликка кўтарилдилар ва ҳатто баъзилари кейинчалик исломий маърифат хомийлари бўлиб майдонга чиқдилар.

Шайх Нажмиддин ва унинг халқи енгилгани йўқ, аксинча, мўғул лашкари енгилди, йўқ бўлди. Шайхнинг “қувваи назари” маърифат ва маънавият қудрати эди.

## ФУТУВВАТ

Шайх Нажмиддин Кубро тасаввуфга юксак ижтимоий-ахлоқий ғоялар мужассами бўлган футувват (йигитлик, мардлик, жавонмардлик, саховат, тасаввуф ахлоқи)ни олиб кирган. Футувватнинг асосини нафсни енгиш-

га қаратилган тартиб-қоидалар ташкил этган. Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларнинг хожатини чиқариш, пиру-устозлар, дўст-биродарлар ному-си, шарафини химоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатида бўлиш ва улар меҳрини қозониш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган кишилар жавонмардлар деб аталган. *“Жавонмардликнинг асосий фазилати манманликни бошдан чиқариш ва ўзгага қасд қилмаслик бўлиб*<sup>1</sup>, жавонмардлар кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан ва тилни ёмон сўздан сақлаганлар.

Футувватчилик ҳаракати X–XI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг ёйилган. Футувват аҳлининг йўриғи, қоидалари, пир-шогирдлик расм-русумлари, муридга раҳнамолик

---

<sup>1</sup> *Кайковус*. Қобуснома. Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. –Т.: “Истиклол”, 1994. 160-бет.

қилиш дастури, футувватнинг зикри ва бу сифатга мушарраф кишиларнинг сўзлари ҳақида рисоалар ёзилган.

Шайх Нажмиддин Кубро кишилар ахлоқида сахийлик, меҳр-оқибат, футувват, ҳурмат, инсонийлик каби фазилатларни мужассамлаштиришга интиланган. Инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш, унинг жамиятдаги ўрни, нафс тарбияси учун кураш, ўзликдан кечиб, ўзгалар хожатини чиқариш мақсадида шайх Кубро фақр, саховат ва футувват кенг тарғиб этган. Шайх Кубро фикрича, халққа холис, юксак маърифат ва диёнат мақомида хизмат кўрсатмаган, Ҳақ ва халқ одобини сақламаган инсон камолотга эришолмайди.

Шу ўринда фақр хусусида тўхталсак: инсоннинг бу дунёга келишидан мақсади ўзлигини англаши, Ҳақни таниши ва билиши, Аллоҳга ҳақиқий бандалик қилишидир. Тасаввуф мол-дунё, бойликка қарши бўлмаган, сўфийлар ичида бой ҳам, камбағал ҳам бўлган. Аксинча, асосий эътибор

қалбга қаратилгани, умрни арзимас ва ўткинчи нарсалар, хою-хавасларга сарфлашга қарши бўлган. Тарихда илм аҳли, шунингдек, сўфийларнинг ҳам савдо-сотик ишлари билан машғул бўлгани, мақсад бойликка кўнгиш кўйиш эмас, аксинча, мол-дунё ва бойликнинг моҳиятини тўғри тушуниб, уни эзгу ишларга сарфлаганликлари ҳақида мисоллар талай.

Бойликнинг моҳияти шундаки, дилдан бойликка меҳр кўргазмаслик орқали бутун олам бойлиги қўлда йиғилган ҳолда ҳам унинг илоҳий сирлар манзили учун йўл бўла олмаслигини англашдир. Инсон қалби дунё неъматлари ва орзу-хаваслари билан тўлиқ бўлгани учун ҳам илоҳий сирлар мазҳари бўла олмайди. Қалб озод ва огоҳ бўлгач, маърифатга йўл очилади.

Нажмиддин Кубро инсон яратилиш жиҳатидан барча мавжудотлардан кейинда турса ҳам, моҳият, салоҳият жиҳатидан юксаклигини, одамларнинг яхшиси – одамларга фойда келтира-

дигани, инсоннинг жамият ҳаётидаги ўрнини алоҳида қайд этган. Футувват инсон руҳини тарбиялаш орқали уни гўзал хулқ-атвор, фазилат соҳибни қилишни мақсад қилган. Шунга кўра, футувват барча инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган етук инсонлар – мардлар маслағи бўлган.

Футувват *“хушхулқлик ва эзгу саховат”* деб улуғланган. Фақатгина ўзига бировнинг миннатини раво кўрмаган ва бирор кишига мухтожлик изҳор қилмаган киши жавонмард деган номга лойиқ эканлиги қайд этилган: *“Футувват барчани ўзингдан афзал билиш ва ўзини ҳеч кимдан юқори қўймаслик, барчага инсоф-мурувват кўрсатиш ва эвазига эса ҳеч нарса талаб қилмасликни тарғиб этган”*<sup>1</sup>.

Жавонмардлар бир-бирларининг биродарлари ҳисобланганлар ва бошқалар учун жонини беришга тайёр бўлганлар. Араб олими Ибн Ҳавқал ёзишича, *“Мовароуннаҳр халқининг*

---

<sup>1</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. 8-бет.



жавонмардлиги шу даражада бўлганки, гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандай, бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлган. Жуда меҳмондўст ва ҳатто кечаси келадиган меҳмондан ҳижил бўлмаганлар, мусофирни танимасалар ҳам ҳеч бир музд-мукофот кутмай, меҳрибонлик кўрсатганлар”.

XII–XIII асрларда уч буюк сиймо – Шайх Нажмиддин Кубро, Жаллолидин Мангуберди, Пахлавон Маҳмуд Хоразм жавонмардлари учун ибрат намунаси бўлганлар. Футувватга доир қарашлар ижтимоий ҳаётда идеал ҳисоблангани учун Хуросон худудидаги сўфийлар футувватдан таъсирланиб, унга рухоний ҳаётда ҳам кучли аҳамият берганлар. Жавонмардлар турли худудларда “шотир”, “сарбадор”, “ахий”, “сукра” номи билан машҳур бўлганлар.

Футувватнинг асосини оддий хунармандлар ташкил этган. Аммо жавонмардлар орасида савдогарлар, санъат ва адабиёт аҳли, амир ва амирзода, шахзодалар ҳам бўлган. Жавонмард-

ликни ўз фаолиятининг мазмунига айлантирган кишиларнинг сўзи ҳам, иши ҳам, ният-фикрлари ҳам пок бўлган, ҳеч қачон бошқалардан тама қилмаган, уларнинг инсоний камолоти ва маънавий қуввати саховат (дўстларга наф келтириш) ва шижоат (дўстларни душманлардан асраш)да акс этган.

Барча эзгу ахлоқ футувватда му- жассам бўлган: инсоф ва ҳақгўйлик, фикр жасорати, эътиқодда собитлик жавонмардликнинг талаблари эди. Футувват тасаввуфнинг теран идеалларини ижтимоий ва иқтисодий турмушда акс эттирувчи фаол ва жонли кучига айлангандан кейин мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, чинакам фидокорлик намунаси бўлган. Жумладан, *“ўз ватанини босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида... маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани шубҳасиз”*<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. 163-бет.

Жавонмардлар халқ ичида юриб, хайрли ва савоб ишларни бажариб, ўзаро биродарлик, фидойилик билан ҳаракат қилганлар. Жавонмардлар кишилар ахлоқини тарбиялашда катта аҳамият касб этганлар, яъни уларнинг сўзи, иши, нияти, фикрлари пок бўлган, эзгулик ва яхшилик умрларининг мазмуни бўлган. Халқ орасида ҳозирга қадар футувватнинг айрим жиҳатлари яшаб келмоқда. Бундан кўринадики, ахлокий қадрият ва инсоний фазилатлар асрлар оша инсон маънавий камолотининг мазмунига айланиб, шайх Нажмиддин Кубро каби забардаст аجدодларимизга муносиб ворис бўлиб яшаш барчамизнинг эзгу ва шарафли бурчимиз бўлиб қолаверади.

## БУЮК ВАТАНПАРВАР

Нажмиддин Кубро она юрт химоячиси, тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонлардан биридир. Шайх эл-юрт, халқ озодлиги ва юрт

тинчлиги учун ўз жонини фидо этган буюк сиймодир. Унинг қалби ватанга мухаббат, эл-юртга садоқат, бекиёс шижоат, фидойилик ва жасоратга тўлик бўлиб, ёши улур бўлишига карамай, душманга қарши курашда мислсиз мардлик намунасини намоён этган. Нажмиддин Кубро қутлуф 76 ёшида 1221 йилда Чингизхон тўдаларига қарши жангда шаҳид бўлган.

“Тўрт улус тарихи”да ёзилишича, Чингизхон Хоразмга лашкар жўнатганда шайх Нажмиддин Куброга хабар юборади: *“Шояд Хоразм аҳволи горату қатл билан бартараф бўлгуси. Маслаҳатим шулки, сиз у ердан ташқари чиқсангизлар. Дарвешларингизга зиён-заҳмат етказилмагай”*<sup>1</sup>.

Шайх Кубро: *“Етмиш йилдирки, Хоразми халқи билан яшаб келмоқдаман. Бугунги кунда қазойи илоҳий бало жазосини юборди. Уларнинг калласида мурувват деган нарса бўлмайдики, орасидан қочиб, ўзимни*

---

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. –Т.: “Чўлпон”, 1994. 164-бет.

бир чеккага олсам. Балки улар билан бирга бегам бўлиб, душманга дучор бўлганим тузукдир. Балоларга ҳам улар билан ёр бўлсам", – деб назм билан жавоб берган экан:

“Бир кекса умри охирлашиб қолганди. Шу сабабдан унга сўз қор қилмади. Деди: етмиш йилдирки, Хоразмда хушҳол яшайман. Такдир муруввати шуни тақозо қиладики, келган балога тан бергум гоҳо. Қонимни шу ерда тўкадиган бўлишса, тангри фармонидан қочмагум. Кийна олови ёнган экан, Урганчда хўлу қуруқ баравар ёнди. Шох лашкари ўқу тиф билан банд, доною нодон ҳоли билан иши йўқ. Унинг бошини кесмасанг яхши бўларди, деган пандни мўғулнинг эшитгиси йўқ. Қазо тифи такдир туфайли ўткирлашган экан, кекса-ю, ёшнинг боши кесилгуси”<sup>1</sup>.

“Нафахот ул-унс”да келтирилишича, мўғул босқинчилари Хоразмга яқинлашганда Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз яқинлари билан юртни ташлаб

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 165-бет.

кочиб кетади. Лашкар бошқарувсиз, пароканда ҳолда бўлганда, Шайх муридларининг бир қисмини Ватан озодлиги учун душманга қарши курашга чорлайди, қолганларини ўз юртларига кетишни сўрайди: *“Машриқдан келган бу бало Машриқу Мағрибни яқсон этади, ёндириб кул қилади. Сизлар ҳар бирингиз ўз юртингизга боринг, ўз жонингизни асраш пайида бўлинг”*. Муридлар эса Шайхнинг ўзлари билан бирга кетишини илтимос қиладилар: *“От-уловлар тайёр, агар шайх биз билан ҳамроҳ кетишни ихтиёр этсалар, яхши бўларди”*. Бунга жавобан Шайх Нажмиддин Кубро дейди: *“Мен бу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ”*<sup>1</sup>.

Мўғул аскарлари Гурганж (ҳозирги кўҳна Урганч – З.И.)га яқинлашганда, шайх муридлари билан Ватан мудофааси учун чиқади, хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош

---

<sup>1</sup> Абдураҳмон Жомий. “Нафахот ул-унс”. Тошкент нашри, О.А.Порцев литографияси, 1915. 405-бет.

билан тўлдиради, қўлига найза олиб, душман билан яккама-якка олишади. Душманга қараб тош отади, бир нечта мўғулни найза билан уриб йиқитади. Аммо мўғулларнинг қўли баланд келиб, Ватан ҳимоячиларига тинимсиз камон ўқи ёғдирадилар. Бир ўк шайхнинг кўкрагига тегади. Қалбларни нурлантирган етмиш беш яшар шайхи кабир илохий илҳомдан маърифат топади, холдан тойиб, кучи қолмаётганини сезса ҳам, жангни тўхтатмай, душман байроғини қўлига тутиб, шу ҳолатда жон беради. Шайхнинг қўлидан кофир байроғини чиқаришга уринсалар ҳам, урдасидан чиқа олмайдилар. Кейин байрокни қирқиб оладилар. Байрокнинг бир учи шайхнинг муборақ қўлида қолади. Буни шайхнинг кароматидан деб билиб, “сари парча” сўзи шайх вафотининг санаси экани кайд этилган.

*“Шайх Худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини ҳақ иқлимининг шоҳи. Ул пир сарпан-*



жасидан ўн забардаст йигит яловни чиқара олмадилар. Оқиллар бунини шундай шарҳладилар: ялов учини шайх тутиб, таърих айтдики, вафотим санаси “шоҳи шуҳадо” (“шаҳидлар шоҳи”)дир”<sup>1</sup>.

Ривоят қилишларича, шайх вафотидан кейин байроқни унинг маҳкам қисилган панжаларидан ўн чорли одам зўрға ажратиб олган. Улуғ шайх ва донишманд Нажмиддин Кубронинг бу қаҳрамонлиги, жасорати душманни ҳам хайратга солган, уларнинг ўзига ишончини сўндириб, ғурурини синдирган. Бу иш авлодларга ибрат бўлиб, халқ орасида афсонага айланиб кетган.

Башарият шоири Жалолоддин Румий маснавийларидан бирида шайхга юксак эҳтиромини баён қилган:<sup>2</sup>

*Биз қўлга қадаҳ олувчи улугвор*

*кишилармиз,*

*Ориқ эчкиси билан қолган қашшоқлардан*

*эмасмиз.*

---

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. “Тўрт улус тарихи”. 165-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. “Насойим ул-мухаббат”. 292-бет.



Бир қўлда иймоннинг холис  
шаробини ичарлар,  
Бир қўлда кофирнинг кочилини  
маҳкам тутарлар.

Шайх Нажмиддин Кубронинг халифаларидан бири, Сайфуддин Бохарзий (ваф. 1261 й.) тарикат хирқасини шайхнинг қўлида кийган, шайх Кубронинг муборак ишораси билан Бухорога келиб, илм-маърифат йўлида хизмат қилган.

Сайфуддин Бохарзийнинг Мовароуннахр ва Хуросон диний-тасаввуфий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта ўрни борки, мўғуллар ма-на шу забардаст сўфийнинг панду ҳикматларидан таъсирланиб, ислом динига кирганлар. Мусулмон оламининг машхур илм-маърифат марказлари бўлган шаҳарлар вайрон қилинган, қонхўрлиги-ю, қўполлиги, бешафқатлиги-ю, жангарилиги билан дунёга донғи кетган мўғуллар оммавий равишда ўзларидан мағлуб бўлган ва худди устарада сочни қирилгани каби қиличдан ўтказилган халқнинг дини-  
8- Замира Исҳоқова

га – исломга киришган. Бу инсоният тарихида содир бўлмаган тарихий ҳақиқат эди. Голиб боскинчилар мағлуб мазлумларнинг динини қабул қилган. Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (ваф. 1341 й.) исломни қабул қилгач, шайх Нажмиддин Кубронинг қабри устига улуғвор макбара қурдирган. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (ваф. 1377 й.) бу ҳақда шундай ёзган: *“Хоразмдан чиқаверишда бир зовия бор. Уни энг буюк авлиёлардан бўлмиш Нажмиддин ал-Кубро қабри узра бунёд этишган. Бу ерда зиёратчилар учун таом тайёрланади”*<sup>1</sup>.

Нажмиддин Кубронинг макбараси ҳозирги Туркменистоннинг Кўхна Урганч шаҳрида жойлашган. Макбара ёнида хонақоҳ бўлиб, у ҳозирга қадар узоқ-яқинлардан буюк шайх зиёрати учун келган кишилар билан гавжумдир.

---

<sup>1</sup> *Иброҳимов Н.* Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Т.: Шарқ машғали журналига илова “Шарқ баёзи”, 1993. 58-бет.

Бу зотнинг муборак номи асрлар оша мардликнинг ёркин тимсоли ва буюк ибрат намунаси бўлиб қолади. Бунга Шайх Кубронинг *“Она Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш – Аллоҳ висолига етишмоқ билан баробардир”*, – деган пурмаъно сўзлари яққол далилдир.

## КАШФ ВА ИЛҲОМ МЕВАСИ

Инсоннинг қарашлари, руҳий олами, ботиний кечинмалари унинг бадий ижоди, хусусан, шеъриятида яна ёркинроқ акс этади. Шайх рубоийларида нафсни мазаммат этувчи, илоҳий маърифат асрорининг кашфидан хурсандликни ифодаловчи, дарвеш кечинмалари, сўфиёна дард-ҳаяжонлари ва умуман комил инсоннинг қарашлари акс этган.

Кубро рубоийлари шарият ва тариқат амалларини бенуқсон адо этган, хилват ва узлат ҳаётидан беҳабар,

сабр ва ризо, таслимият билан барча қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтган, нафс зангидан кўнгилни поклаган, ошиқлик, орифлик ва валийлик ҳолатидан масрур илҳом эгасининг дил изхоридир. Унинг рубойларини илк бор Е.Бертельс турли тазкиралардан териб, Нажмиддин Кубро ҳақидаги тадқиқотларига кўшиб нашр эттирган. Бу рубойларнинг сони йигирма бешта бўлиб, хануз Кубро шеърятини бойтадиган ва унинг шеърят оламидаги мавқеини белгилайдиган бошқа шеърӣй намуналар топилмади. Кубронинг ишк ва маърифат нури билан йўғрилган рубойлари шоирнинг руҳий ҳолати, кўнгил кечинмалари ифодаси хисобланади. Кубронинг шеърларида рух хусусияти, борлик ва йўқлик тушунчалари, илоҳий оламни ақл билан билиш мумкин эмаслиги, ақл фақат зоҳирӣй нарсалар, ҳодисаларни билиши мумкинлиги, моҳиятни “девона”, “ошиқ” қалб билишга қодирлиги, сўфӣй камолоти бадийӣй йўсинда талкин этилиб, фал-

сафий мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради:

*Ишқинг майини ичиб, бу дил*  
*маст бўлгай,*  
*Ҳажринг гамини чекиб, у, бил,*  
*паст бўлгай.*  
*Бир боқсанг агар – кўйингда*  
*тупроқ бўлган*  
*Жонсиз танага жон яна*  
*пайваст бўлгай!*<sup>1</sup>.

Нажмиддин Кубро ҳақиқатни излаш, Аллоҳга бўлган ишқни куйлаш, Ҳақ йўлига даъват қилиш, Аллоҳ муҳаббатини қозониш мақсадида тариқатга кирган солиқнинг ҳол ва мақомдаги турли босқичларидаги ўй ва кечинмалари, ранжу изтиробларини тасвирлаш, сўфий-дарвешларни улуглаш, Ҳақнинг мазҳари бўлган маъшуқа гўзаллигини таърифлаш, гоҳ висол умиди, гоҳ хижрон азоби-

---

<sup>1</sup> Рубойлар форс тилидан Э.Очилов таржимасида берилди. Бу ҳақда қаранг: Донишмандлар тухфаси (Рубойлар) / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. -Т.: "Ўзбекистон", 2009. 101-107-бетлар.



эмаслиги, ақл фақат зоҳирий нарса-  
ларни билиши мумкинлиги, моҳият  
қалб орқали билиниши, талаб йўлида  
етуклик кераклиги, бунинг учун эса  
дунёдан, нафс қутқусидан озод бўлиш,  
покланиш, бутун оламда Аллоҳни қалб  
кўзи билан кўриш мумкинлигини таъ-  
кидлайди:

*Хақ йўлига ҳар лаҳза савй этмак*

*лозим,*

*Дунёдан этак тортмагу кетмак лозим.*

*Дийдангни давола, зеро, олам ҳама –*

*Ул,*

*Кўрмак Уни – асрорига етмак лозим.*

Нажмиддин Кубро дарвешларни  
камситиш, улар хақида номуносиб сўз  
айтиш гуноҳ экани, аслида ўзини бил-  
ган одам бошқаларни айбламаслиги,  
чунки бошқаларнинг ҳам ўзига хос бо-  
тиний олами, ахлоқ-одоби, мартабаси  
бор. Аслида дарвешлар маънавий ду-  
нёсидан баҳра олиб, юксак маърифат  
ва ахлоқ эгаси бўлиш шарафли ишдир.  
Дарвеш нафснинг ҳавойи орзуларидан  
қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган,  
дунё лаззатларига берилмай, ҳақиқат

йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Дарвеш  
хуррият мақомидаги энг юксак ҳол  
эғасидир:

*Дарвеш элига айлама таънаки, улар  
Қандай тугилган эса – шундай ўлар.  
Бир олам зар бергилу, ол бир арпа –  
Билмоқчи эрсанг кимлигини асли улар.*

Шайх Кубронинг шеърларида рух  
эркинлиги, ишқ сархушлиги орзуси,  
фақру қано каби тасаввуфий ҳолат  
ва кечинмалар тасвирига катта эъти-  
бор қаратилган. Ишқ мартабаларидан  
бўлган муҳаббатнинг ибтидоси ёлғиз  
Ҳақ билан бўлиш учун нафсни пок-  
лашдир.

Муҳаббатнинг ростлиги маҳбубга  
итоат қилишда намоён бўлади. Му-  
ҳаббат инсоннинг бутун вужудини  
қамраб олса, у фақат маъшуқа – Ал-  
лоҳни ўйлайдиган, бошқа нарса кўнг-  
лига сирмайдиган бўлади, ғайрни уну-  
тади ва балки ўзлигини ҳам унутади,  
унинг ишқидан дўзах олови куйиб кул  
бўлади:



Ошиқ кишининг кўнгли тўла  
дард бўлмай,  
Дил дарди билан мард яна ҳам  
мард бўлмай.  
Ўз ишқи ўтида у ёнаркан, бул дам  
Дўзах ўти ўзгалар учун сард бўлмай.

Нажмиддин Кубро нафсни “инсон-  
ни дунёга боғлайдиган занжир” деб,  
инсоннинг вазифаси нафсни ўлдириб,  
ўзидаги ҳайвоний кучларни мавх этиш,  
иродасини чиниктириб, илоҳийлик  
сари интилишдан иборатлигини уқти-  
ради. Нафснинг ёмонлигини англаш  
ўзликни, демакки, илоҳийликни ан-  
глашдир:

Пинҳон эмас асло – ичда бир дев  
бордир,  
Бошини кўтармоғи унинг душвордир.  
Иймонини минг мартаба талқин  
қилдим:  
Ул асли азал муслим эмас, куффордир.

Нажмиддин Кубро талқинида ишк  
илоҳий хис-туйғу, ошиқ маҳбубини  
кўргач, уни орзу қилади ва қалби  
безовта бўлиб, завқ-шавққа тўлади.

Иштиёқ шу даражага кўтариладики, махбуб учун ўзидан кечган ошиқ жонини беришга ҳам тайёр туради, фано мақомига эришади. Дўстдан нишон ва орифдан жон, яъни кимки ишқ билан ўлса, шундай ўлгани маъкул. Ўлим билан тугамаган ишқда хайр (яхшилик) йўқдир:

*Сўфий бўлиб, айла бир кеча оҳу фиғон,  
Дунёни яратган ҳаққи, қўзғол шу*

*замон:*

*Ханжарни қўлингга олу эт ўзни шаҳид,  
Ёр васлини истаса, нетар*

*жисми жон...*

Ўзликдан кечган ва Аллоҳ ёди билан яшаган инсон учун ишқ, ошиқ на маъшуқ Аллоҳдир. Муҳаббатнинг камоли бутун қалб билан ишққа асир бўлиш, махбубни барча нарсадан афзал кўришдир.

*Ул бодани ичмадимки, ҳушёр ўлсам,  
Ул маст эмасман даги бедор ўлсам,  
Тарк этсам адам бирла нужудни,*

*тонг йўқ,*

*Бир жилвайи ҳуснинг ила хуммор ўлсам.*



Эй, дил, бу қадар муфлис экансан,  
расво,  
Сен лойиқи тоза ишқ эмассан асло.  
Шиддатли алангадир бу ишқ —  
эрмас сув,  
Ул ишқ ила булҳавас бўлолмас ошно.

Шайх Кубро илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўлган илҳом сарчашмаларини қандай бўлса, шундайлигича баён этиб, ишқ дардида ёнган, висолдан умидвор, хижрондан жигарлари пора бўлган, лекин Ҳақ нури жамолини кўрсатадиган кўзгу, яъни кўнгилга хитоб қилади:

Ишқингни бу мардона-ю, фарзона кўнгил  
Бир сония тарк этмади, жонона,  
кўнгил.  
Ишқ бодасини қўлимда тутган лаҳза  
Лиқ тўлди жигар қонига паймона,  
кўнгил.

Нажмиддин Кубро мутаассиблик ва зохирий расм-русумларга муккасидан кетишни ёқтирмаган. Аллох хамма учун баробар, хамма унга томон интилади. Шу боис шайх Кубро

мазхаблараро айирмачилик, иркий ёки миллий ажратиш, бошкаларни пастга уришни қоралаб, инсоннинг маънавий олами юксалган сари у бутун инсоният тақдири ҳақида қайғурадиган, умрини фақат яхшилик ва эзгу ишлар билан мазмунли ўтказишга интиладиган кишилар сирасига айланишини таъкидлайди.

*Ҳар кимки, қилар кўргали ул юзни  
талаб,  
Енгиб гурурини, айласин ўзни талаб.  
Ул қайда-ю, биз қайда –  
кўринг қисматни:  
Сомон бўлибмиз қилиб юлдузни талаб.*

Шайх ҳар дам илоҳий ҳақиқатлар ошкор бўлганда бошқа барча дунёвий ашёларнинг арзимаслигини эътироф этади. Шайх тавҳид манбасига тамоман фарқ бўлгани учун ўз зотини Ҳақнинг ягона зотида, сифатини Унинг сифатида, феълини Унинг феълида кўради. Фақат бир (Аллоҳ – *З.И.*)ни кўради, билади ва Ундан бошқа борлиқни кўрмайди.

Нажмиддин Кубро хақиқий борлик деб Аллоҳни билади ва ақлни Аллоҳни билишга ожизлигини таъкидлайди. Ақл фақат зоҳирий нарса ва ходисаларни билишга кодир, моҳият қалб билан англонади. Девона-ю, ошиқлар учун Каъба ҳам, бутхона ҳам бир. Хар лаҳзада минглаб дили куйган ошиқ ишқ савдосида Каъбадан бутхонага йўл олади. Кубро учун бутхона Аллоҳ васли, илоҳиёт хузуридир:

*Йўлингда ақл ҳадис ва афсона топар,  
Кўйинг сари йўл мардуми девона топар.  
Савдойинг ила мен каби минг дилсўхта  
Каъбадин илик тортару, бутхона  
топар.*

Маърифат кўнгилга нур бўлиб куюладики, Нажмиддин Кубро шеърларини покиза қалб илҳомидан туғилган дил изҳорлари, илоҳий неъмат деб аташ тўғри бўлади. Зеро, қалб илоҳий дарлдан шавққа тўлмаса, ундан дил нолалари туғилмайди ва шеър ҳам вужудга келмайди:

Сенсан икки оламни яратган Бирубор,  
Кўйингда ўлиб бандаларинг хоку губор.  
Сендан улашиш ризқини ҳар

*жонзоткинг,*

Сендан яратиш – хоҳи мўғул,

*хоҳи тотор...*

Тасаввуфни шеър билан баён этиш, кўнгил изҳорини нозик ибораларда баён этиш тасаввуф аҳлидан жуда катта маҳоратни талаб қилган. Тасаввуфнинг махсус истилоҳу рама-тамсиллар яширинган ғазал ва рубойлар аввал “хос кишилар” учун ёзилган бўлса, кейинчалик тасаввуф ғоялари кенг тарқалиб, халқчил усул қўлланила бошлади. Сабаби эса оддий: инсон руҳи хамиша комилликка ташна, буюк идеал сари интилади. Инсон руҳининг озукасини шеърятдан топганки, гарчи Кубро шеърларида илоҳий ғоялар тараннум этилса ҳам, инсон қалби ифодаси бўлган, яъни Яратувчи ҳам инсоннинг қалбидадир. Инсоннинг бутун хаёти, фаолияти, ижод ва яратувчанлик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари Аллоҳга бўлган ишқ туфайлидир.

*Ёр ишқини ким кўкси аро жо қилди,  
Хар икки жаҳон мулкани пайдо қилди.  
Ким васлидан огоҳлик топса бир дам,  
Гар ўлса-да, хун ҳаққини адо қилди...*

Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, ижоди, ижтимоий фаолияти, тасаввуфдаги ўрни ва каромату башоратлари ривоятлар билан қоришиб кетган. Ривоятлар олис мозийдан садо берадики, унинг замирида ҳақиқат куртаклари яширин, буюк шайхнинг афсонага айланган ҳаёти кўз ўнгимизда намоён бўлаверади.

## **“МУАЛЛИМ УЛ-ВАҚТ”**

Шайх Нажмиддин Кубронинг муборак нафаси Хоразм ерини раҳмоний нурга тўлдириб, илму ҳикмат, фалсафа, тиб, риёзат, тафсиру талкинлар баробарида ирфоний илмлар ҳам жорий бўлиб, кишилар қалбига илоҳий ҳикматлар ёғдуси кириб борди.

Шайх Нажмиддин Кубро сиймосида тафаккурий-ақлий билим билан ботиний-маърифий билим, донишманд-



лик, дунёвий заковат билан валийлик кашфиётлари муштарақ бўлиб, бежиз у зотни авлиё ва муршидларнинг энг комили, юксак мақомлар соҳиби, тавҳид, ҳақиқат ва қалб илмларининг билимдони деб таърифланмаган.

Шайх Фаридиддин Агтор сўзи билан айтганда *“авлиёларга меҳру муҳаббатимиз уларнинг камоли ва жамолига ва барча ҳолат-ишларига ҳурмат-эҳтиромимиз натижасидир. Ушбу садоқат қалбларимизга Аллоҳ солган муҳаббат нури каби порлоқ, буюк зотларга таъзимимизни юзага келтиради. Аллоҳ таолонинг муборақ номларини ҳар замон тилидан қўймайдиган азиз-авлиёлар маърифатидан баҳраманд бўлган, ҳар қачон ва ҳар бир ҳолатда Аллоҳ ёдини унутмаган кишилар учун авлиёлар ҳаёти намунадир”*.

Шайх Нажмиддин Кубро асос солган кубровийлик тариқати нафақат Мовароуннаҳр, балки Эрон, Миср, Хиндистон, Ироқ ва Афғонистон ҳудудига ҳам кириб борган. Кубро-

вийлик тариқатидан фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, иғтишошия, нурбахшия, неъматуллоҳия каби янги тариқат шохчалари ўсиб чиққан.

Кубровийлик бутун Шаркка таркалиб, унинг истеъдодли муридлари донишмандлик, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларини турли миллат ва элатлар орасига ёйиб, исломнинг шуҳратига шуҳрат қўшдилар. Шайх Нажмиддин Кубро эса асрлар оша дониш ва ҳикмат, ирфон ва заковат юлдузи бўлиб порлаб турибди.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Каримов И.* Хива шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи / “Халқ сўзи”. 1997 йил 21 октябрь.

2. *Каримов И.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.

3. *Абдурахмон Жомий.* Нафахот ул-унс мин хазарот ил-қудс (форс тилида). – Т.: О.А.Порцев литографияси, 1915.

4. *Азизиддин Насафий.* Зубдат ул-хақойик. (Ҳақиқатлар қаймоғи) / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: “Камалак”, 1995.

5. *Алишер Навоий.* Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчи: С. Ганиева, М.Мирзааҳмедова. Араб ва форс матни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва мас. мух. С.Рафиддинов. – Т.: “Фан”, 2001.

6. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари / Таржимонлар ва арабча матни нашрга тайёрловчилар: Х.Хикматуллаев, А.Мансуров. – Т.: “Фан”, 1990.

7. *Аҳмад Кашмирий*. Нажмиддин Кубро олтин ҳалқасининг мухтасар тафсилоти. Шажарайи табақоти машойих. ЎзР ФАШИ инв. № 1426.

8. *Бертельс Е.Э.* Суфизм и суфийская литература. – М.: “Наука”, 1965.

9. Донишмандлар тухфаси (Рубойлар) / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изохлар муаллифи Э.Очилов. – Т. “Ўзбекистон”, 2009.

10. *Иброҳимова Н.* Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёхати / “Шарк баёзи”. – Т.: 1993.

11. *Кайковус*. Қобуснома / Форс тилидан Муҳаммад Ризо Огахий таржимаси. – Т.: “Истиқлол”, 1994.

12. *Комилов Н.* Нажмиддин Кубро. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.

13. *Комилов Н.* Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: “Ёзувчи”, 1996.

14. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Нашрга тайёрловчи ва масъул

мухаррир М.М.Хайруллаев. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.

15. *Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи / Форс тилидан Б.Ахмедов, Н.Норкулов, М.Ҳасаний таржимаси.* – Т.: “Чўлпон”, 1994.

16. *Фаридиддин Аттор. Тазкират улавлиё (Валийлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси.* – Т.: ЎзМЭ, 1997.

17. *Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. Масъул мухаррир Эркин Юсупов.* – Т.: “Ёзувчи”, 1995.

18. *Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий хаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, А.Бектош. Масъул мухаррир: С.Сайфуллоҳ.* – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004.

19. *Шайх Нажмиддин Кубро. Рисолайи одоб уз-зокирийн.* – Урганч, 1997.

20. *Қуръони карим / Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.* – Т.: “Чўлпон”, 1992.

21. *Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати / Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси.* – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.



## МУНДАРИЖА

Шайхи Кабир .....	3
Ирфон осмонининг порлок юлдузи .....	6
Комиллик йўли .....	11
“Олтин тарикат” асосчиси .....	24
Тарикатлар силсиласи .....	32
“Ал-усул ал-ашара” – камолотнинг ўн коидаси .....	36
Камолот пиллапоялари .....	68
“Офок ва анфус” фалсафаси .....	78
“Латоиф” – инсоннинг илоҳий хислати .....	82
“Шамс ул-калб” .....	89
“Шайхи валийтарош” .....	93
Футувват .....	100
Буюк ватанпарвар .....	107
Кашф ва илҳом меваси .....	115
“Муаллим ул-вақт” .....	128
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	131

*Илмий оммабон нашр*

Тарих ва шахс

**ЗАМИРА ИСҲОҚОВА**

**ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО**

Муҳаррир *Э. Курбонов*

Бадий муҳаррир *Ж. Адилов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонов*

Компьютерда тайёрловчи *Д. Габдрахманова*

Мусахҳих *М. Ишонхонова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.09.

Босишга 2013 йил 24 апрелда рухсат этилди.

Бичими 70x108<sup>1</sup>/<sub>64</sub>. Офсет қоғози. «Virtec  
Peterburg» гарнитурасида. Офсет босма усулида  
босилди. Шартли босма табоғи 2,98.

Нашр табоғи 2,93. Адади 2000 нусха.

Буюртма №13-209.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

И 84 **Исҳоқова, Замира**

Шайх Нажмиддин Кубро /З. Исҳоқова; лойиха муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.Ражабов. – Тошкент: О‘zbekiston, 2013. 136-б. – (Тарих ва шахс).

ISBN 978-9943-01-950-8

Рисолада тасаввуф оламининг забардаст алломаларидан бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ёритилган. Буюк шайх сиймосида тафаккурий-ақлий билим билан ботиний-маърифий заковат, донишмандлик ва ирфон ҳамда валийлик кашфиётлари муштарак бўлиб, бежиз бу зот муршиди комил, қутблар ақтоби, юксак мақомлар соҳиби, тавҳид, ҳақиқат ва қалб илмларининг билимдони деб таърифланмаган.

Рисола шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти билан кизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

**УЎК: 94(575)(092)кубро  
КБК 86.38**